



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KORRUPSIYAGA
QARSHI KURASHISH AGENTLIGI

YUKSALISH
UMUMMILLY HARAKAT




REGIONAL DIALOGUE
Branch Office in Uzbekistan



БОШЛАНҒИЧ МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА КОРРУПЦИЯ ХАВФ- ХАТАРИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ЯКУНИЙ ҲИСОБОТ

Тошкент - 2022



ЎРГАНИШНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Ушбу тадқиқотнинг мақсади бошланғич мактабга қабул қилишда миқдорий ва сифат усулларини қўллаган ҳолда коррупция хавф-хатарларини ўрганиш бўлди. Об'ектив, қамровли маълумот олиш учун республиканинг барча ҳудудларида бошланғич мактабга қабул қилишнинг бевосита иштирокчиси бўлган респондентларнинг уч гуруҳи: биринчи синф ўқувчиларининг ота-оналари, бошланғич мактаб ўқитувчилари (улар орасида сўровнома орқали фикр олинди) ва мактаб директорлари (якка тартибда суҳбат) орасида сўровлар ўтказилди.

Аралаш усулда коррупция хавф-хатарининг 6 та асосий омили аниқланди:

- 1 Бошланғич мактабга қабул
- 2 Бюжетдан молиялаштириш ва унинг шаффофлиги етишмаслиги
- 3 Мактабларда инфратузилма, жиҳозланганлик ва логистика таъминотининг етишмаслиги
- 4 Малакалари педагог кадрларнинг етишмаслиги
- 5 Мактаб ходимлари иш ҳақининг даражаси пастлиги
- 6 Таълим субъектларининг касбий ҳалоллиги ва этикаси

Барча омиллар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг ҳар бирини баҳолаш доирасида институционал ва қонунчилик базаси, респондентларнинг муаммони идрок этиши, уларнинг тажрибаси, вазиятни ўзгартириш (яхшилаш) бўйича таклифлари таҳлил қилинди, коррупция хавф-хатари нуқтаи назаридан эксперт хулосалари ва ушбу хатар омилларининг коррупция ва этикага зид хатти-

ҳаракатлар кўринишидаги коррупция хавфининг пайдо бўлишига таъсирини камайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Мазкур якуний ҳисобот ўзида Халқ таълими вазирлигининг статистик маълумотларини, мавзу бўйича миллий ва халқаро маърузалар ва шарҳлардан фойдаланган ҳолда дастлабки таҳлилни тайёрлаш, қонунчилик базаси ва оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлардаги нашрларни таҳлил қилиш, шунингдек, умумий ўрта таълим ходимлари билан суҳбатлардан олинган маълумотлар ва фуқароларнинг ижтимоий тармоқларда эълон қилинган фикрларини қамраб олди.

Сўров ва суҳбатлар ўтказиш учун сўровномалар тузилди, шундан сўнг респондентлар ўртасида сўров ўтказилди, олинган маълумотлар ушбу ҳужжатда ўрганиш натижаларини тақдим этиш учун таҳлил қилинди.

Дастлабки ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, коррупция хатарларнинг аксарият омиллари ва хатарларнинг ўзи мактабга қабул қилишнинг, мактабларни бюджетдан молиялаштиришнинг шаффоф бўлмаган ва самарасиз тизими, ажратилган ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тизимининг ҳам очиқ эмаслиги, шунингдек, бюджет маблағлари етишмаслиги ҳолатларида ота-оналар мактабларга молиявий ёрдам кўрсатишнинг қонуний тартибга солинган имконияти мавжуд эмаслиги, малакали кадрлар етишмаслиги, таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи пастлиги билан боғлиқ. Бюджет маблағларининг етишмаслиги, ўз навбатида, мактабларнинг мақбул ишлаши учун зарур инфратузилманинг етишмаслигига олиб келади, бу ҳам коррупция хавф-хатарининг пайдо бўлишига ёрдам берадиган омиллардан биридир. Мактабга қабул қилиш жараёни иштирокчиларининг нопрофессионал ва этикага зид хатти-ҳаракатлари қисман жараённинг

шаффофлигига ва халқ таълими тизимига ишончсизлик уйғотади.

Ҳужжат Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, таълим тизими ва бошқа вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ўқитувчилар, жамоат арбоблари, журналистлар, хорижий донорлар, шунингдек, коррупция ва ноҳалолликнинг сабаблари ва оқибатларини Ўзбекистон умумтаълим мактабларига қабул қилиш жараёнида ўрганишдан манфаатдор бўлган барча шахслар фойдаланиши учун мўлжалланган. Ушбу тадқиқот тегишли идоралар учун тавсиялар ишлаб чиқиш ва кейинчалик мактаб тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўриш учун яхши майдончага айланиши мумкин.

Респондентларнинг фикрига асосланиб, тадқиқот болаларни умумтаълим мактабларига қабул қилиш жараёнидаги, шунингдек, умумий ўрта таълимдаги вазият ва муаммоларни акс эттиради. Ушбу ҳисоботда халқаро экспертлар кўмагида коррупция хавф-хатарини баҳолашнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган ўрганиш натижалари ҳамда коррупция хавф-хатари омилларининг таъсирини камайтириш бўйича тавсиялар берилди.

МИННАТДОРЛИК

Бошланғич мактабга қабул қилишда коррупция хавф-хатарини баҳолаш бўйича якуний ҳисобот «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан «Минтақавий мулоқот» ХНТ экспертлари билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ушбу тадқиқотнинг асосий муаллифлари – **Номозали Рўзиқулов** (таълим соҳасида миллий эксперт) ва **Людмила Стайшюнайте** («Ўзбекистонда биринчи антикоррупция лабораторияларини яратиш» лойиҳаси менежери).

Муаллифлар тадқиқотни ўтказишда ёрдам берган қуйидаги инсонларга миннатдорлик билдиради:

Петра Горьюп,

«Минтақавий мулоқот» ХНТнинг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари;

Квентин Рид,

коррупцияга қарши курашиш
масалалари бўйича халқаро эксперт,
Англия/Чех Республикаси;

Горан Клеменчич,

«Минтақавий мулоқот» ХНТ ҳуқуқий
эксперти;

Нодиржон Жураев,

«Минтақавий мулоқот» ХНТнинг
Ўзбекистондаги лойиҳа мутахассиси;

Дарья Земесева,

«Минтақавий мулоқот» ХНТнинг
Ўзбекистондаги лойиҳа менежери;

Шерзод Сапаров,

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
Коррупциянинг олдини олиш ва
комплаенс-назорат тизимини жорий
этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

Улуғбек Дауланов,

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
Коррупцияга қарши курашиш
tizimini taхлил va мониторинг қилиш
бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

Бобур Бекмуродов,

«Юксалиш» УМХ раиси;

Асқар Маматхонов,

«Юксалиш» УМХ раиси ўринбосари;

Шамшод Юнусов,

«Юксалиш» УМХ лойиҳа менежери;

Шоҳруҳ Ҳаққулов,

«Ўзбекистонда биринчи антикоррупция
лабораторияларини яратиш» лойиҳа
ассистенти;

Валерия Номозова,

«Ўзбекистонда биринчи коррупцияга
қарши лабораторияларни яратиш»
лойиҳа ассистенти.

Зийнат Зияева,

оилавий ва бизнес психолог

МУНДАРИЖА

ГЛОССАРИЙ / ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ	7
1. КИРИШ	8
«Ўзбекистонда биринчи антикоррупция лабораторияларини яратиш» лойиҳаси тўғрисида	
2. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ	9
3. ЎРГАНИШ УСЛУБИЯТИ	11
4. МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА КОРРУПЦИЯ ХАТАРЛАРИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ	15
4.1 Бошланғич мактабга қабул	15
4.2 Бюджетдан молиялаштириш ва шаффофлик етишмаслиги	27
4.3 Мактабларда инфратузилма, жиҳозланганлик ва логистик таъминот етишмаслиги	34
4.4 Малакали педагогик кадрлар етишмаслиги	40
4.5 Мактаб ходимларининг иш ҳақи	44
4.6 Таълим субъектларининг этикаси ва ноҳалоллиги	47
5. УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	55
6. УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР	58
7. ХУЛОСА	60
8. ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	62
9. ИЛОВАЛАР	63
1-илова. Сўровнома учун ҳудудларни ва респондентлар сонини танлаш	63
2-илова. Очиқ маълумотлар ягона платформасини яратиш учун тавсиялар	63
3-илова	65
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ	65
ТЎГАРАКЛАР ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ	66
ОЛИЙ ТАЪЛИМ	67

ГЛОССАРИЙ / ҚИСҚАРТМАЛАР РҲЙХАТИ

ХНТ – Халқаро нодавлат ташкилот

ХТВ – Халқ таълими вазирлиги

ТумХТВ – Туман халқ таълими бўлими

ОТМ – Олий таълим муассасаси

PETS – Давлат харажатларини кузатиш тизими

Коррупция хавф-хатари – коррупциявий хатти-ҳаракатга шароит

Коррупция хавф-хатари омили – коррупциявий хатти-ҳаракатга ёрдам берадиган ҳамма нарса

Мансаб ваколоти – қабул қилинаётган бошқарувга оид қарорнинг (тўлиқлигича ёки қисман) кўриниши ва мазмунини ўз хоҳиши билан белгилаш бўйича давлат ҳокимияти органи, мансабдор шахсларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи

Микроҳудуд – оила рўйхатдан ўтган жойга қарашли мактаб жойлашган ҳудуд

1. КИРИШ

«ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ АНТИКОРРУПЦИЯ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ» ЛОЙИХАСИ ТЎҒРИСИДА

Яқуний ҳисобот «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ташаббуси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда АҚШ Давлат департаментининг «Минтақавий мулоқот» ХНТ (Словения) орқали молиявий ва экспертлари кўмагида амалга оширилаётган «Ўзбекистонда биринчи антикоррупция лабораторияларини яратиш» лойиҳаси доирасида тайёрланди.

«Ўзбекистонда биринчи антикоррупция лабораторияларини яратиш» лойиҳасини амалга оширишнинг афзаллиги ва долзарблиги шундан иборатки, шу пайтгача мамлакатда коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва стратегияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиши керак бўлган коррупциявий хатарларини ўрганиш, ушбу хатарларни бошқариш механизми мавжуд эмас эди. Антикоррупция лабораториялари – коррупция хатарларини камайтиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида республика миқёсида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида коррупция хатарларини аниқлаш, таҳлил қилиш, илмий ва тизимли баҳолашга қаратилган платформадир.

Антикоррупция лабораторияларининг асосий вазифалари – коррупциявий хатарларни баҳолаш методологиясини яратиш, тажрибани ва аҳоли томонидан коррупцияли ва ноҳалол хатти-ҳаракатни идрок этишни ўрганиш, олиб борилган таҳлил асосида кейинчалик хатарларни бошқариш ва пасайтириш чораларини кўриш, тадбирлар ўтказиш учун назарий ва амалий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқотнинг яқуний мақсади – коррупциявий хатарларни ўрганиш механизмини халқаро стандартларга мос равишда ишлаб чиқиш.

Коррупциявий хатарларни ўрганишнинг ишлаб чиқилган механизми турли соҳаларда коррупция билан курашиш тавсияларини ишлаб чиқиш учун замин бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

2. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

Таълим энг фундаментал эҳтиёжларни қамраб олиб, аҳолининг катта қисмига даҳлдор ҳисобланади. Халқ таълими вазирлигининг маълумотига кўра, бутун республикада 10 мингдан ортиқ мактаб, 6 миллион ўқувчи, 500 минг ўқитувчи, сон-саноксиз ота-оналар ва оилалар мавжуд. Мустақиллик йиллари давомида ўқувчи ва ўқитувчиларни тайёрлаш даражаси ниҳоятда паст бўлиб қолди ва бугун таълим кескин ислохотни талаб қиладиган соҳаларидан биридир. Шу боис мактабга қабул қилишдаги коррупциявий хатарларни баҳолаш биринчи антикоррупция лабораториясининг мавзуига айланди.

Коррупциявий омиллар ва хатарлардан ташқари тадқиқот натижалари чуқур тузилмавий муаммоларга ишора қилади, уларнинг замирида халқ таълими тизимининг қонунчилик ва институционал асослари ётади. Аниқланган энг аҳамиятли муаммоларнинг омиллари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Умумтаълим мактабларнинг 1-синфига қабул қилиш qabul.maktab.uz онлайн навбатга туриш платформаси орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 469-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат умумтаълим муассасаларига кириш учун давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти билан белгиланган.

Ўзбекистонда мактабга қабул қилишда икки хил квота мавжуд – асосий ва қўшимча. Асосий квота мактабга бириктирилган микроҳудудда яшайдиганларга мўлжалланган. Қўшимча квота эса таълим муассасасининг бошқа микроҳудудларидан ўқувчиларни қабул қилишнинг мавжуд имкониятларидан шакллантирилади. Қабул қилиниш, қўшимча квота бўйича қабул қилиш мезонлари тўғрисида ахборот йўқлиги ва барча манфаатдор тарафларни қабул қилиш жараёни тўғрисида хабардор қилишнинг самарасизлиги коррупция ва ноҳалол хатти-ҳаракатнинг турғун омилига олиб келади.

2. 2017 йилда халқ таълимининг туман (шаҳар) бўлимларида шаффофликни ошириш ва бюджет жараёни устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, шунингдек, масъулият ва интизомни ошириш мақсадида марказлаштирилган молия-бухгалтерлик хизматлари яратилди. Бироқ маблағни мактаблар орасида тақсимлаш механизми шаффоф эмаслигича қолмоқда, бу ХТВ ва мактаблар фаолиятига ишончсизликни кучайтиради.

3. Янги мактаблар қуриш ва инфратузилмани ривожлантириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш уч турдаги (янги қурилиш, капитал реконструкция, капитал таъмирлаш)

йиллик марказлаштирилган инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилади. Ушбу дастур йилига тахминан 350-400 мактабни қамраб олади.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, агар керак бўлса, муассасаларни мунтазам таъмирлаш (иситиш тизимлари, томлар, совуқ сув таъминоти, канализация тизимлари ва тўсиқларни таъмирлаш) амалга оширилади. Бундай иш турлари одатда йилига мактабларнинг атиги 10 фоизини қамраб олади. Амалиёт шуни кўрсатадики, халқ таълими муассасаларининг тўғри ишлашини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича ташкил этилган бўлимлар чекланган инсон ва моддий ресурслар, мактаблар орасидаги узок масофалар туфайли таълим муассасаларининг кундалик талабини тўлиқ қопламайди.

4. Сўнги йилларда умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ходимларини иш ҳақини ошириш ва моддий рағбатлантириш бўйича кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ўсиш ҳажми ва тўлаш шартлари кўрсатилган. Ҳар бир ҳужжат ўқитиш ставкасидаги соатлар сонини (соатларнинг юки) белгилайди, шу билан бирга ставка бўйича соатлар сони тез-тез ўзгариб туради. Юқорида айтилганларнинг барчаси турли хил талқинларга ва қоидаларни қўллашга олиб келади, иш ҳақини шакллантириш жараёнида шаффофликнинг йўқлиги мактаблар орасидаги масофалар жараёнини янада қийинлаштиради.

5. Ўқитувчилик касбининг нуфузи пастлиги туфайли кадрлар, хусусан, ёш мутахассис-ўқитувчилар етишмаслиги кузатилмоқда. Бу муаммо умумий

ўрта таълим тизими олдида қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи мактаб ўқитувчиларининг малака даражасининг етарли эмаслигида ҳам ўз аксини топади ва мактаблар ўртасидаги тенгсизликнинг ўсишига омил беради.

Кечиктирилмай ҳал этишни талаб қиладиган асосий кадрлар муаммоси бу – бошланғич синфларда ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг кўплиги, дейиш мумкин. Зеро, бу даврда болада дарсларни ўзлаштириш учун асосий кўникма ва мотивация шаклланади. Кўпинча ўрта махсус педагогик маълумотга эга бўлган мутахассислар педагогика, психология ва педагогика коллежларида фанларни ўқитиш методикаси бўйича соатларнинг чекланганлиги сабабли юқори сифатда таълим бера олмайди. Шу муносабат билан педагогика коллежлари битирувчилари ўрганилаётган материални ўзлаштириш сифати, уни ўқувчилар томонидан идрок этилиши ҳамда болалар билан психологик алоқа ўрнатишда зарур малакага эга эмас. Тадқиқот учун қамраб олинган талабгир/тўлган мактабларда ўқитувчи кадрлар олий педагогик маълумотга эга, шу билан бирга республиканинг кўплаб мактабларида ўрта махсус маълумотли мутахассислар бошланғич синфларга дарс беради. Бу мактаблар, синфлар ўртасидаги тенгсизликка ва ўз навбатида, сифатли таълим олиш имкониятининг тенгсизлигига олиб келади. Тенгсизлик, ўз навбатида, бошланғич мактабга қабул қилишда ва таълим жараёнида коррупция хавфи омилдир.

Рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун кадрлар етишмаслиги муаммоси ҳам долзарб ҳисобланади. Рус

тилида сўзлашадиган синфларда ишлайдиган аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларининг аксарияти аҳолининг пенсия ёки пенсияга чиқиш гуруҳига киради ва кўпинча бугунги кунда ўқув жараёнининг муҳим қисми бўлган замонавий ахборот технологияларидан сифатли фойдаланиш кўникмаларига эга эмас. Бундан ташқари, педагогика олий таълим муассасаларини битириб чиқаётган рус тилида ўқитадиган фан ўқитувчилари кам (баъзи фанлардан рус тилида сўзлашувчи битирувчилар йўқ). Натижада бундай синфларда дарсларни рус тили она тили бўлмаган ўқитувчилар олиб боради ва бу ўқувчиларнинг ўзлаштиришига жиддий таъсир кўрсатади.

б. Мактаб ходимларининг касбий ҳалоллиги ва ўқув жараёнидаги хатти-ҳаракат қоидалари мактаб ходимлари, ота-оналар ва

ўқувчиларнинг одоб-ахлоқи баён қилинган Умумтаълим муассасаси низоми билан тартибга солинади. Мактаб низомида баён қилинган одоб-ахлоқ кодекси, ўқитувчилар ва маъмуриятнинг ҳуқуқлари, бурчлари амалда бажарилмайди, чунки улар мавжуд этика муаммоларини тубдан таҳлил қилмасдан киритилади. Қолаверса, ота-оналарда ахлоқ тушунчасининг шаклланиши бошқа ота-оналар ва мактаб ходимларининг хатти-ҳаракатларини идрок этиш ва тажрибасига таъсир қилади.

Юқоридаги барча омиллар ушбу йўналишда жамиятдаги салбий тушунчаларнинг сабаблари бўлиб, давлатнинг сиёсий, ташкилий ва молиявий ҳаракатларига ишончни сусайтиради. Буни респондентлар жавоблари ҳам тасдиқлайди. Омилларнинг ҳар бири 4-бобда кўриб чиқилади.

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотни олиб бориш механизми 4 босқичдан иборат:

1. Тадқиқот методологиясини ишлаб чиқиш:

- ✓ тадқиқот мавзуи ва методларини белгилаш;
- ✓ мақсадли аудиторияни аниқлаш;
- ✓ аҳоли гуруҳларини аниқлаш;
- ✓ сўровларни олиб бориш учун зарур эксперт ва тадқиқот қатнашчилари сонини аниқлаш;

- ✓ ижро муддатларини белгилаш.

2. Қуйидагиларни қамраб олувчи статистик ва ситуацион таҳлилни тузиш:

- ✓ Қабул қилинган, аммо қўлланилмайдиган тартиб-низомларни, коррупция хатарлари омили бўлган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар ва моддаларини аниқлаш мақсадида мактабга қабул қилишнинг қонунчилик ва институционал асосини тавсифлаш;

- ✓ ОАВ, ижтимоий тармоқлар, танланган мавзудаги илмий мақолаларни таҳлил қилиш, бошланғич мактабга қабул чоғидаги амалдаги ҳолатларни аниқлаш.

3. Мақсадли гуруҳларда сўровнома ва суҳбатлар орқали сўров ўтказиш қуйидагиларга мўлжалланган:

- ✓ коррупциявий характер намоён бўлишига дуч келган инсонларнинг тажрибасини акс эттириш;
- ✓ коррупция, тажриба, касбий ноҳалоллик сабаблари, ахлоқ бузилиши ва уларнинг оқибатлари, тегишли аҳоли гуруҳларининг фикрлари, шунингдек респондентларнинг турли тоифалари дуч келадиган муаммоларни ўрганиш.

4. Тавсиялар киритилган якуний ҳисоботни тайёрлаш:

- ✓ коррупция хавфи омилларини баҳолаш ва тўпланган барча маълумотларни таққослаш, уларни умумлаштириш, эксперт хулосалари ва ушбу омилларнинг бошланғич мактабнинг биринчи синфларига ўқишга кириш жараёнида таъсирини минималлаштириш учун қандай чоралар кўриш кераклиги ҳақидаги тавсиялар.

5. Тавсияларни қабул қилишнинг жамоатчилик мониторинги:

- ✓ якуний ҳисоботда тавсия этилган чораларни кўришни мониторинг қилишга жамоатчиликни жалб қилиш.

Ўрганиш қамрови: республиканинг барча ҳудудлари, шу жумладан вилоят марказлари, саноат шаҳарлари, туман марказлари, кўп аҳолига эга қишлоқлар.

Сўровларнинг мақсад гуруҳлари: 1-синф ўқувчиларининг ота-оналари, бошланғич мактаб ўқитувчилари, мактаб директорлари.

Якуний фойда олувчилар: Халқ таълими вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати, ўқувчиларнинг ота-оналари, мактаб директорлари ва ўқитувчилар.

Маълумот тўплаш усуллари: Маълумотлар икки йўл билан тўпланди: ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида сўровнома, директорлар билан интервью. Маълумотларни тўплашда ҳар бир респондентнинг анонимлиги тўлиқ сақланди. Маълумотларни тўплаш жараёнини бошлашдан олдин лойиҳанинг интервьючилари ва волонтерлари сўровномалар ҳамда респондентларнинг ҳар бир тоифаси билан суҳбатлар ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган тайёргарликдан ўтди.

Сўров ўтказиш учун тасодифий равишда 114 та мактаб танланди, бу уларнинг ҳудудий жойлашуви ва режалаштирилган кўламни ҳисобга олган ҳолда республиканинг барча

14 вилоятдан 10 002 та давлат мактабларининг 1 фоизидан бир оз кўпроғини ташкил этади¹. Танланган мактабларнинг 21 таси вилоят марказларида, 31 таси вилоятга бўйсунадиган шаҳарларда, 31 таси туман марказларида ва яна 31 та мактаб катта қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган.

Сўров учун танланган гуруҳлар жадвали 1-иловада келтирилган.

Тадқиқот учун аҳоли орасида талабгир, хусусан, таълим тили аралаш бўлган мактаблар танланди. Ушбу мактабларда ўқувчилар сони уларнинг имкониятидан 2-3,5 баравар юқори, бу эса микроҳудудлар регламенти ва инфратузилма етишмаслиги билан боғлиқ коррупцион, ноҳалол хатти-ҳаракатлар учун имконият яратадиган коррупциявий хавф омилларини юзага келтиради.

Йирик қишлоқ аҳоли пунктларида мактабларини қамраб олишдан мақсад – ўқувчи ўринлари ва таълим муассасаларини ўқитувчи кадрлар билан таъминланганлигига нисбатан жойларда ижтимоий инфратузилманинг ўсиши ёки орқада қолишини ҳисобга олиб, аҳолининг сифатли таълимга бўлган ҳақиқий талабини ўрганиш ва ушбу муаммолар билан боғлиқ коррупциявий хавфни баҳолаш эди.

Тадқиқот республиканинг барча 14 вилоятдан 114 нафар мактаб директорларини, 1 740 нафар ўқитувчиларни, 3 420 нафар ота-оналарни (жами 5 274 киши) қамраб

олди. Яъни сўров ва интервьюларда 4 920 киши ёки респондентларнинг 93,3 фоизи иштирок этди.


Ҳар бир тоифа респондентлар учун индивидуал сўровнома шакли ишлаб чиқилди. Ота-оналар учун сўровномада 62 та, ўқитувчилар учун сўровномада 55 та савол тузилди. Директорлар билан интервью 18 та саволни ўз ичига олди. Масаланинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда респондентлар умумий ўрта таълим тизимида коррупция хавф-хатаридан жабрланувчи нуқтаи назаридан ўрганилди.

Ўқитувчилар ва ота-оналар учун сўровномалар учта бўлимдан иборат бўлиб, саволлар оддийларидан мураккабларига ўтиб боради. Биринчи бўлимда респондентларнинг мактабга қабул қилиш тизими тўғрисида умумий хабардорлиги, уларнинг коррупция ҳолатларини идрок этиш даражаси ўрганилди. Иккинчи бўлим мавжуд муаммолар ва мактабга қабул қилиш амалиёти билан боғлиқ шахсий тажрибани ўрганишга қаратилди. Учинчи бўлим саволлари респондентларнинг бюджетдан ташқари тўловларга муносабатини, уларнинг сабабларини, норасмий тўловларнинг эквивалентларини аниқлашга ва вазиятни ўзгартириш бўйича таклифларни олишга қаратилди.

Сўровнома схемаси қуйидагича кўринишга эга:

¹ Халқ таълими вазирлигининг 2020 йилги маълумотига кўра.

УЧ ТОИФА РЕСПОНДЕНТЛАР НУҚТАИ НАЗАРИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ВА НОҲАЛОЛ ХАТТИ-ҲАРАКАТНИНГ, ТАХМИНИЙ ФАКТОРЛАРИ ВА МОТИВЛАРИ



1-расм.

Саволлар уч тоифа респондентларнинг уларга нисбатан ўтказилаётган босим даражаси, тизимда дуч келаётган камчиликлар ёки жараённинг бошқа иштирокчилари тажрибасидан келиб чиқиб, касбий этикани бузишга ёки ноҳалол хатти-ҳаракатлар қилишга мажбур бўлиш принципига мувофиқ тузилган.

Психолог ва халқаро экспертлар ёрдамида тузилган сўровномалар жамиятдаги кайфият ва тенденцияларни тушунишга, қарашларни ифодалашга, давлат идоралари эътиборсиз қолдирган муаммоларни қайд этишга ёрдам беради. Шунингдек, сўровнома дизайнида респондентларга мактабга қабул қилишда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш бўйича ўз таклифлари ва изоҳларини ёзиб қолдириш имкони яратилди.

Сўровнома саволларини «тарозига солиш» ва интервью учун Тошкент шаҳридаги иккита мактабда синов тадқиқоти ўтказилди. Уни амалга

ошириш учун Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Халқ таълими вазирлигига мактабларда ушбу тадқиқотни олиб боришни қўллаб-қувватлашни сўраб расмий хат билан чиқди.

Синов тадқиқотдаги маълумотлар таҳлили асосида сўровномалар республика бўйлаб ўтказилиши учун мослаштирилди.

Ҳар бир мактабда тадқиқот тўрт нафар ходим томонидан ўтказилди: икки нафари директорлар билан интервью ўтказди (бири саволлар беради ва суҳбатлашади, иккинчиси жавобларни ёзиб олади ва саволларга муносабат ҳақида ўз кузатувларини ёзади), бир нафари синфда ўқитувчилар билан, яна бир нафари эса ота-оналар билан ишлади. Учала гуруҳда ҳам сўровлар 40 дақиқадан 60 дақиқагача давом этди. Тўпланган маълумотлар Excel дастурида махсус жадвалга киритилди, кейинроқ улар навбатдаги таҳлиллар учун тизимлаштирилди.

Ҳар бир ҳудуддан олинган маълумотлар алоҳида жадвалга киритилди. Шу тариқа, жадвалларнинг умумий сони республиканинг маъмурий ҳудудлари сонига мувофиқ 14 тани ташкил қилди. Ҳар бир жадвал 12 қатордан иборат бўлди. Бунда ҳар уч тоифа респондент – ўқитувчилар, оналар, директорларга 4 тадан қатор

бор: шаҳар, туман, қишлоқ, жами. Мамлакат бўйлаб маълумотларни таҳлил қилиш учун ҳудудлар маълумотлари умумлаштирилди ва 8 қатордан иборат жадвал тузилди: ҳар бир тоифа респондентлар учун биттадан ва муаммолар, энг оммабоп мавзуларни таснифловчи изоҳлар билан бирга очиқ саволлар учун алоҳида қаторлар.

4. МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

4.1 БОШЛАНҒИЧ МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Умумтаълим мактабларнинг биринчи синфларига қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом ², шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти билан амалга оширилади ³.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомнинг 5-бобига мувофиқ, муайян сон хонадон жойлашган микроучасткалар мактабларга бириктирилиши

белгиланган. Ҳар йили туман ҳоқими қарори билан ҳар бир мактабга яқин атрофдаги кўп квартирали ва якка турар-жойлар киритилган микроучастка бириктирилади. Мазкур Низомнинг 39-бандига биноан, белгиланган мактабнинг ўқитувчилари уйма-уй ёки квартирама-квартира юриб, мактаб ёшига етган болаларни рўйхатга олади.

Низомнинг 41-бандига биноан, мактаб раҳбарияти мазкур муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида мактабга ўқишга жалб қилиш учун масъул ҳисобланади.

Мазкур Низомнинг 42-бандига болалар 7 ёшга тўладиган йилда тиббий хулосага мувофиқ қабул қилиниши белгиланган. 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрланади. «Таълим тўғрисида»ги қонунда ⁴ эса 7 ёш деб

² <https://lex.uz/uz/docs/3137130>

³ <https://lex.uz/uz/docs/4367850>

⁴ <https://lex.uz/uz/docs/5013007>

белгиланган (ушбу ёшга тўладиган йилнинг 31 декабригача).

Шундай қилиб, Низом билан Қонун ўртасида мактаб ёшига доир номувофиқлик бор. Қонун устувор, демек амалда болалар мактабга 7 ёшдан қабул қилиниши керак.

44-бандда болалар мактабнинг 1-синфига тайёргарлик даражасидан қатъи назар, танловсиз қабул қилинади, musiқа ва санъатга ихтисослаштирилган таълим муассасалари бундан мустасно. Шунга қарамай, мактаб маъмурияти психолог билан суҳбат натижасига кўра болани қабул қилмаслик ёки қабул қилиш тўғрисида қарорги келиши мумкин.

Болаларни 1-синфга қабул қилишга доир иккита норматив ҳужжат мавжудлиги ушбу ҳужжатлар ижросида қийинчиликларни юзага келтиради ва айнан шу коррупциявий ёки ноҳалоллик омили бўлиши мумкин.

Юқори сифатли таълимни таъминлайдиган мактабларга юзага келган талаб умумтаълим муассасалар учун икки хил – асосий ва қўшимча квота киритилишига сабаб бўлди.

Ушбу квоталар Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»⁵ ги 173-сон қарори билан белгиланган ва у умумтаълим мактабларига ҳам, ихтисослаштирилган мактабларга ҳам тарқатилади.

Асосий квота туман (шаҳар) ҳокимиятлари мактаб ёшига етган, бириктирилган микроучасткада яшовчи болалар сонидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Қўшимча квота умумтаълим муассасасининг мавжуд имкониятларидан асосий квотага тушмаган болалар учун шакллантирилиб, микроучасткада ва ундан ташқарида яшайдиган мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган.

Болаларни қўшимча квота бўйича мактабга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом талаблари асосида тегишли умумтаълим мактабларнинг директорлари томонидан амалга оширилади.

Юқорида тилга олинган ҳужжатлар таҳлил қилинганда, қўшимча квотани шакллантириш ва амалга ошириш борасида саволлар пайдо бўлди. Хусусан, мактаб директори қўшимча квоталар учун номзодларни қайси мезонлар асосида кўриб чиқади? Мактабга қабул қилинган 1-синф ўқувчиларининг рўйхати қаерда эълон қилинади? Қабул жараёнида боланинг мактабда ўқишга руҳий тайёрлиги (умумқабул қилинган стандарт асосида) лозим тарзда баҳоланадими?

Шунингдек, 2022 йилнинг 31 августигача боласи 6,5 ёшгача бўлган ва 1-синфда ўқишни истаган болаларнинг ота-оналари умумтаълим мактабининг ўқитувчилари ва психологлари ҳузурида боланинг мактабга жисмоний ва

⁵ <https://lex.uz/uz/docs/1382112>

руҳий тайёрлигини тасдиқлаш учун маслаҳатлашишга олиб келишлари керак.

QABUL.MAKTAB.UZ ОНЛАЙН-НАВБАТ ТИЗИМИ

«Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти» Qabul.maktab.uz онлайн навбат тизими орқали болаларни умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилайди. Онлайн тизимда давлат мактабларига ҳужжат топшириш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мослаштирилган бўлиши керак.

Онлайн навбат тизимида навбатни ҳам мактаб микроучасткаси ⁶ ҳудудида, ҳам микроучасткадан ташқарида банд қилиб қўйиш назарда тутилган. Бироқ ҳужжатларни тақдим этиш учун навбат олиш имконияти фақат микроучастка ҳудудида яшайдиган болалар учун мавжуд, ундан ташқарида рўйхатга олинган болалар учун имкон йўқ, бу эса мактабни танлаш ҳуқуқини чеклаб қўяди. ⁷

Таъкидлаш жоизки, асосий квотани шакллантиришга доир қуйидаги масалалар тартибга солинмаган: Ким бевосита квота сонини белгилайди? Квота рақамли кўрсаткичлар ишончли эканлиги учун ким жавобгар? Ота-оналар истаклари қай тарзда инobatга олинади? Ушбу жараён ҳужжатда қандай акс эттирилади? Республиканинг барча ҳудудлари ва микротуманларидаги

ота-оналар билан қабул жараёни, тартиби ва уни тартибга солиш борасида ўзаро мулоқот, боғланиш ва ахборот алмашинуви стратегияси қандай?

Барча манфаатдор тарафлар учун рухсат этиш жараёни тўғрисида батафсил ва унификацияланган ахборотнинг йўқлиги ва ахборот етказишнинг самарасизлиги барқарор коррупциявий хавф-хатарга ва ноҳалолликка олиб келади. Бу эса одатда аввалги шахсий ёки ўзгалар тажрибасига таянган ёхуд бу каби тажрибага асосланган ўзларини ўзлари назорат қилувчи манфаатдор тарафларнинг коррупцияга оид ва ноҳалол хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатади.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТУШУНЧАСИ

Мактаб ўқитувчилари орасида ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, сўралганларнинг 47 фоизи болани мактабга қабул қилиш тизими яхши ишлайди, деб ҳисоблайди. 25 фоизи тизим оқсайди, лекин умуман олганда, яхши ишлайди, деган фикрда. Шу билан бирга, 72,3 фоизи мактабга қабул қилишдаги асосий ва қўшимча квоталар тизимини самарадор, деб жавоб берган, 28 фоизи бу жавобга қўшилмаган. Сўралганларнинг 52 фоизи қабул қилиш жараёни қонун ҳужжатлари даражасида етарлича самарали тартибга солинган, деб ҳисоблайди. Бунда, ўқитувчиларнинг 33 фоизи жараён илғор халқаро тажрибани инobatга олган ҳолда такомиллаштиришга муҳтож, деб жавоб берган.

⁶ Ўз мактаб микроучасткасини <https://xt.uzedu.uz/Home/GPS/> платформасида аниқлаб олиш мумкин.

⁷ Муаллифлар шарҳи: Сўров ўтказилган пайтда микроучасткадан ташқаридаги болалар учун тизимдан фойдаланиш имконияти йўқ эди, 2021-2022 ўқув йилда у очилди.

Мактабга чиқиш учун ҳужжат топширишнинг қандай тизимини афзал кўрасиз, деган саволга ота-оналар жавоблари таҳлил қилинганда, 46,1 фоиз респондентлар онлайн, деб жавоб берган, чунки бу қулай ва вақтни тежайди, 15,3 фоизи шахсан жойига бориб топширишни афзал кўрган, чунки электрон тизимга ишонишмайди ёки интернетдан фойдаланиш имконияти чекланган. Сўралган ота-оналарнинг 55 фоизи қабул учун икки хил квота борлигидан хабардор, 45 фоизи эса бундай тартиб тўғрисида билмайди. Ота-оналарнинг атиги 17 фоизи 2020/2021 ўқув йилда қўшимча квотадан фойдаланган.

Шу билан бирга, болангиз мактабга асосий квота бўйича қандай қабул қилинган эди, деган саволга 26 фоиз ота-оналар мактаб микроучасткасига тегишли бўлишларига қарамай, болани айнан шу мактабга жойлаштириш учун ҳаракат қилишга тўғри келди, деб жавоб берган. Болани атайин қўшимча квота бўйича жойлаштиришга 38,3 фоиз ота-оналар ҳаракат қилган.

2020/2021 ўқув йилидан барча вилоятларда жорий қилинган онлайн навбат бўйича сўралган ота-оналарнинг 45 фоизи етарлича хабардор бўлмаганини маълум қилган, 28 фоизи бундай тизим тўғрисида ҳатто эшитмаган. Шу боис, ота-оналарнинг 76 фоизи болани мактабга расмийлаштириш чоғида бу тизимдан фойдаланмаган. Айтилган пайтда 56 фоиз ота-оналар бундай тизимни қулай, деб ҳисоблайди.

Қабул қилиш ва квоталар масаласига энг кўп қизиққанлар умумтаълим мактабларининг директорлари бўлди. Тадқиқотнинг бошқа йўналишларига нисбатан қарийб 15 фоиз респондентлар ушбу тизимни ўзгартириш таклифлари билан фикрини қолдирган. Масалан, Наманган вилояти мактаблари директорлари ўқувчиларни қабул қилиш учун ўрин етишмайдиган мактабларда қўшимча квотани бекор қилиш тарафдорлари эканлигини айтиб, бунинг ўрнига квоталарни мактаб қувватига мувофиқ ҳисобга олишни таклиф қилган.

ОТА-ОНАЛАР БОЛАНИ МАКТАБГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ҚАЙСИ УСУЛДАН ФОЙДАЛАНГАН БЎЛАРДИ (%)



1-чизма.

Ушбу натижалар юқорида тилга олинган ҳуқуқий норма ва тартиблар тўғрисида ахборот алмашувининг самарасизлиги муаммосини, шунингдек, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда ота-оналар ва мактаб маъмуриятининг норматив тўсиқлар, мавҳумликларни четлаб ўтишга ундайдиган директорларнинг мансаб ваколатларидан кенг фойдаланишларини исботлайди. Шу тариқа ушбу омиллар манфаатдор тарафларнинг коррупция шаклидаги ва этикага зид коррупция хавфи ва ноҳалолликка олиб келади.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ўқитувчилар орасидаги очиқ сўровлар натижасида қабул фақат асосий квота бўйича амалга оширилиши керак, деган таклифлар энг кўп йиғилди. Мактабга қабул қилишнинг ушбу шаклини қўллаб-қувватлаган респондентларнинг энг юқори фоизини Сирдарё (50%), Жиззах (26%), Қашқадарё (18%), Самарқанд ва Навоий (11%) вилоятлари ташкил этди. Асосий квота зарур ва қўшимча квота ўрнига истеъдодли болаларни қабул қилиш керак, деган фикр билдирилган вилоятлар қуйидагилар: Андижон (24%), Фарғона (20%), Сурхондарё (11%), Бухоро (8%).

«Болани биринчи синфга расмийлаштирганингизда қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?» деган саволда ота-оналар тажрибаси янада ойдинлашган. Сўралган ота-оналарнинг 22 фоизи рўйхатга олинган жойида ўрин етишмаслиги муаммосига дуч келган. Ушбу масала айниқса Навоий (41%) ва Қашқадарё вилоятларида (28%) долзарб бўлиб турибди. Жиззах (8,3%), Фарғона (8%), Самарқанд (9,7%), Хоразм (10,3%)

ва Сирдарё (11%) вилоятларида ўқувчи ўринларининг етишмаслиги камроқ қайд қилинган.

Республика бўйлаб ўртача 18 фоиз ота-оналар таълим тилини танлаш муаммосини қайд этган. Ушбу муаммо айниқса, Самарқанд (30%), Андижон ва Фарғона (26% дан) вилоятларида, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида (23%) яққол намоён бўлди. Бу масалада бошқа вилоятлардан 8-12 фоиз ота-оналар фикр билдирган.

Респондентларнинг 19,3 фоизи боласини ўзлари истаган синфга (ёки ўқитувчига) жойлаштира олмаган. Бу борада энг юқори кўрсаткич Самарқанд (33%), Хоразм (32,4%) ва Сирдарё (30%) вилоятларида қайд этилган.

Шуниси қизиқки, сўралган ота-оналарнинг 59 фоизи боласи мактабга қабул қилинишида норасмий йўлларни излаш зарурлигини инкор этган. Бироқ шунга эътиборни қаратиш керакки, Сурхондарё (24,3%), Наманган (22%), Қашқадарё (21%) ва Андижон (20%) вилоятларида респондентлар норасмий йўлларга доим мурожаат этиш кераклигини таъкидлаган, бу республикадаги ҳар тўртинчи ёки бешинчи ота-она болаларини мактабга олишлари учун норасмий йўлларга қўл уришлари керак бўлади, деганидир.

МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА БОЛАЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ТАЙЁРЛИГИ

Сўровномда ўқитувчилар ва директорлар томонидан ёзиб қолдирилган изоҳлар орасида болаларнинг психологик етуклиги ва ижтимоийлашуви етарли даражада

эмаслиги мавзусига ҳам тўхталиб ўтилган. Бу масала ўқитувчиларнинг иш ҳақи ва синфларнинг тўлиб кетиши мавзулари бўйича энг кўп қолдирилган изоҳлардан кейин учинчи ўринни эгаллади. Сўровномада турли даражадаги психологлар ва педагоглар билан суҳбатлашиш зарурати ҳақида барча ҳудудлардаги ўқитувчилар фикр билдирди. Бу мавзуда энг кўп изоҳ Бухоро (48,5%), Жиззах (33%), Хоразм (28%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (26%) ўқитувчилари томонидан қолдирилди. Уларнинг фикрича, айрим болалар мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олинмагани боис уларда мактабга ва жамиятга руҳан ва жисмонан етилмаганлик, мантиқий фикрлай олмаслик ҳолатлари яққол сезилади. Бундай изоҳлар болаларни мактабгача тайёрлаш зарурати борлигини тасдиқлайди. Ушбу мавзуда республиканинг тўққизта ҳудудидаги ўқитувчилар фаол бўлишди. Бунда энг юқори кўрсаткич Фарғона (38%), Андижон (37%) ва Хоразм (36%) вилоятларига тўғри келди.

Мактаб директорлари интервьюлар давомида оилада эрта ёшда ноқ болада мантиқий фикрлаш кўникмалари шакллантирилмаслиги ва ривожлантирилмаслиги ҳақида ҳам гапиришди. Мактабгача таълим ва бошланғич мактаб ўртасида алоқа сустиги масаласи кўтарилди. Директорлар, шунингдек, ота-оналарнинг поликлиникалар томонидан бериладиган бола саломатлиги ҳақида расман тасдиқланмаган маълумотномаларни тақдим этишини таъкидлашди.

Ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган мактабгача таълимнинг йўқлиги масаласига мактабга қабул жараёни

нуқтаи назаридан коррупция хавфи ва ноҳалолликка омил сифатида қаралиши керак. На жисмонан, на руҳан, на дарсга боришга тайёр бўлган болалар, тиббий кўрикдан ўтиш зарурати бўлса-да, аввалгидек мактабга қабул қилинар экан, бу асосан, ота-оналар, ўқитувчилар ва мактаб директорларининг мажбурий тиббий кўрик тартибларини четлаб ўтиб, этикага зид ҳаракат қилишларига олиб келади. Боз устига, болани мактабга номутаносиб равишда, яъни ё микроҳудуд ё ёш чегараларига амал қилинмасдан қабул қилиш қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳар икки ҳолатда қабул қилишни рад этиб бўлмайди, чунки бу фундаментал конституциявий ҳуқуқ ҳисобланади, аммо натижада синфларда ўқувчилар сони меъёридан ошиб кетади ва дарсликлар етишмайди, ўқитувчилар ортиқча юклама билан ишлайди, табиийки, таълим сифати пасаяди. Бундай ҳолатлар ҳатто кичик номутаносиблик ҳам коррупциявий ва этикага зид хатти-ҳаракатга олиб келишига, давлат таълимининг сифати учун глобал оқибатларни чақиришига бир мисол, холос.

ШАФФОФ ҚАБУЛ

Сўров ўтказилганда, ота-оналар ўзлари танлаган мактабда нечта бўш ўрин ва синф борлигини кўришни хоҳлашлари аниқланди. Ўқитувчилар ҳам бундай ахборотдан очиқ фойдаланиш икониятидан ота-оналарнинг ҳаққи бор, деб ҳисоблайди. Бунда барча уч тоифа респондентлар мактаб қабулини шаффоф қилиш тарафдори. Хусусан, сўровда қатнашган ота-оналарнинг 26 фоизи қабул маълумотларининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш тарафдори бўлган. Шу билан бирга, Самарқанд

вилоятида 11 %, Қашқадарё вилоятида 10 %, Бухоро вилоятида 8 % ўқитувчилар ҳам қабул жараёнида шаффофликни таъминлаш зарур, деб ҳисоблайди.

Мактабга қабул қилиш шаффофлигини таъминлаш зарурлиги тўғрисида бошқа таклифлар билан бир қаторда, умумий ҳисобда 3,7 фоиз директорлар фикр билдирган. Эътиборлиси, бу борадаги таклифларнинг аксарияти Самарқанд вилоятидаги мактаб раҳбарларидан (14 %) тушган. Бу борада Навоий, Фарғона, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (6-8 %) раҳбарларидан ҳам кўплаб фикр-мулоҳазалар олинди. Мактабга қабул қилишда тил муаммоси

Ота-оналарнинг «Агар фарзандингиз мактабга қабул қилинаётганда тил билиш имтиҳонини топшириши керак бўлса, сиз ҳали ҳам болангизни ўзингиз танлаган мактабга жойлаштиришга ҳаракат қиласизми?» деган саволга жавоблари таҳлил қилинганда, республика бўйлаб ўртача жавоблар қўйидагича: ота-оналарнинг 66 фоизи “ҳа”, 34 фоизи “йўқ” деб жавоб берган. Шу билан бирга, Наманган ва Фарғона вилоятларида респондентларнинг 70 фоизидан ортиғи ижобий жавоб берган бўлса, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳрида бу кўрсаткичлар республикадагидан 10 фоизга кам.

Айни пайтда респондентларнинг фикру-мулоҳазалари Тошкентда тил муаммоси кескин эканини кўрсатмоқда. Аксарият ота-оналар фарзандига қийин бўлса ҳам, рус тилида ўқитиладиган мактабга беришга тайёр. Бундай ота-оналар учун боланинг камида иккита тилни билиши муҳимдир. Ҳудудларда эса аксинча, ота-оналар сифатли таълим олиш учун бола таълим тилини яхши билиши керак, деб ҳисоблайди.

Ота-оналарнинг болани ҳар қандай ҳолатда ҳам рус тилида ўқитиладиган синфга жойлаштириш истагини амалга ошириш оқибатлари ўқитувчилар томонидан кўтарилган муаммода ўз аксини топди. Ўқувчилар билан энг кўп учрайдиган муаммоларни санаб ўтиш сўралганда, бутун мамлакат бўйлаб сўровда қатнашган ўқитувчиларнинг 17,2 фоизи ўқувчилар таълим тилини ёмон билишларини кўрсатган. Айни пайтда бу муаммо энг кўп Тошкент шаҳрида – 45 %, Навоий вилоятида – 25 %, Қорақалпоғистон Республикасида – 23 %, Наманган вилоятида – 20 % ни ташкил этмоқда. Сурхондарёда – 3,3 %, Андижонда – 4,5 %, Сирдарё вилоятида – 6,5 % тил билан боғлиқ алоҳида муаммо йўқ.

Ўқитувчилар ва директорлар рус тилида таълим бериладиган синфларда ўқитишни талаб қилаётган ота-оналарининг фарзандларини рус тилини билмаслигидан шикоят қилмоқда. Бундай вазиятда болаларнинг ўзига бўлган ишончи ўқув материални тушунмаслиги туфайли пасаяди, ишончсизлик ривожланиши натижасида ўзлаштиришда кечикиш бошланади, чунки ота-оналар ҳам уларга дарсларини ўзлаштиришда ёрдам бера олмайди. Бу бошқа болаларга ҳам салбий таъсир кўрсатиб, ўқитувчи дарс вақтини ўқув материални икки тилда тушунтиришга сарфлайди ва орқада қолган ўқувчиларнинг ўзлаштиришига мос тушунадиган материални беришга мажбур бўлади, илғор ўқувчилар эса эътибордан четда қолиб, зерикишади, бу айниқса фанларни чуқур ўрганадиган синфларда долзарб муаммо ҳисобланади.

Тошкент шаҳрида ўтказилган сўровда қатнашган 10 нафар директорнинг

барчаси тил муаммоси мавжудлигини алоҳида таъкидлади. Жиззах вилоятидаги мактаб директорлари рус тилидаги дарслар учун квота етарли эмаслигини айтишмоқда. Мисол учун, қишлоқ ҳудудларида жойлашган ўзбек мактабларида рус тили соатларини кўпайтиришга талаб бор. Наманган вилояти директорлари эса бошланғич синфларда русийзабон ўқитувчилар етишмаслиги, ўрта мактабларда эса уларнинг йўқлигини айтишмоқда. Қашқадарёлик директорларга кўра, ҳар қандай маҳаллада рус тилида ўқитиладиган синфларга талаб бор ва бунинг учун маблағ ажратилмайди. Тошкент шаҳридаги мактаб директорлари билан суҳбатдан олинган фикр-мулоҳазалар шуни кўрсатадики, мактабда ўқитиладиган тилда сўзлашмайдиган болаларни ўқишга қабул қилмаслик қонунийлаштирилиши керак.

Бундай таклифлар қонунчилик қоидалари учун коррупция ва ноҳалоллик учун жиддий хавф омили бўлиши мумкинлигидан далолат беради, бу эса кейинчалик коррупциявий ва этикага зид хатти-ҳаракатларга олиб келади ва шунинг учун ҳам ушбу қоидаларни такомиллаштириш ва улардаги камчиликларни бартараф этиш, хавфларни минималлаштириш мумкин. Бироқ бу ҳолда, бошқа оқибатларни ҳисобга олиш керак бўлади, яъни агар мактаб қабулида рад этишнинг айрим ҳолатлари қонунийлаштирилса, «рад этилган» болалар қандай ва қайси мактабларга қабул қилинади?

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ

Очиқ саволларга берилган кўп жавобларда вилоятлардаги ўқитувчилар қўшимча квотани истеъдодли болаларни

қабул қилиш билан алмаштиришни таклиф қилмоқда. Бундай таклифлар энг кўп Фарғона ва Андижон вилоятлари (20%), Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари (10%га яқин) ўқитувчиларида кузатилди. Ўқитувчилар болаларнинг мактабга тайёргарлигининг психологик-педагогик ва ёшига боғлиқ диагностикасини тегишли суҳбат асосида қабул қилиш жараёнига киритишни талаб қилмоқда. Болаларни мактабгача таълим муассасаларида мактабгача тайёрлаш зарурлигини кўпчилик таъкидлашмоқда. Шунингдек, мактабга қабул тизимини халқаро тажриба, жумладан рақамли технологиялар асосида тубдан ўзгартириш, шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш масалалари юзасидан кўплаб таклифлар билдирилди.

Умуман олганда, ота-оналар онлайн қабул тизимини қўллаб-қувватлашса ҳам, айти пайтда улар мактабга шахсан мурожаат қилишни афзал кўришади. Директорлар, асосан, ўқувчиларни жисмоний ва ақлий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда синфларга самарали тақсимлаш мақсадида, биринчи навбатда, ота-оналар иштирокида боланинг мактабга тайёргарлигининг тўғри диагностикасини таъминлайдиган шаффоф қабулни, шунингдек, иш тажрибаси ва малакасини ҳисобга олган ҳолда бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳам қабулини ташкил қилишни таклиф қилмоқда.

Эътиборли жиҳати, мактабга қабул тизимини такомиллаштириш мақсадида қорақалпоғистонлик ўқитувчиларнинг 73 фоизи, тошкентликларнинг 14 фоизи, сурхондарёликларнинг 9 фоизи тил тайёргарлигини синовдан ўтказиш мавзусида таклиф билдирган.

Ўқитувчилар болаларнинг мактабга тайёргарлигини аниқлаш учун мажбурий ва мустақил тестларини жорий қилишни, рус тилида сўзлашадиган мактаблар ва синфлар учун рус тилини билиш талабини таклиф қилмоқда. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги тил тўсиқларини бартараф этиш мақсадида «Бола тилни ёдлаши керак эмас, ўрганиши керак» тамойили илгари сурилган.

Тиббий кўрикларга келсак, ўқитувчилар ва директорларнинг қарийб ярми болаларнинг соғлиғини ишончли текширишни таъминлаш учун мактабга қабул қилинганда мустақил тиббий комиссиялар ташкил этишни таклиф қилмоқда.

ХУЛОСАЛАР:

Қабул қилиш тартиби, квоталар мавжудлиги ҳақида ота-оналар етарлича хабардор қилинмаслиги, шаффофлик етишмаслиги, бошланғич синфларга тил бўйича саралашнинг аниқ талаблари йўқлиги каби аниқланган муаммолар, таълим муассасаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, барча тоифа респондентлар томонидан кўп марта қайд этилди.

1. Халқ таълими органлари томонидан жойларда олиб борилган тарғибот ишларига қарамай, ўрганишлар натижаси шуни кўрсатдики, ота-оналар мактабга қабул қилиш тартиби, квоталар тизими (асосий ва қўшимча) ҳақида тўлиқ хабардор эмас. Бу йўналишда мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳамкорликдаги ишлари самарасиз ташкил этилган ва эпизодик характер касб этади. Буларнинг бари номаъқул амалиётлар (коррупциявий ва этикага

зид ҳаракатлар) юзага келишига имкон яратади.

2. Рус ва аралаш тилларда таълим бериладиган мактабларга қабул қилишда аниқ талаблар белгиланмаган, бу коррупция хавфи омилларидан биридир. Ваҳоланки, бундай мактабларга талаб юқори. Бошқа томондан, Халқ таълими вазирлиги аҳолининг ўзи танлаган тил бўйича таълим олиш эҳтиёжини қондиришни мақсад қилган, бироқ рус тилли синфларга болаларни қабул қилиш талаблари мавжуд эмас. Шу тариқа мактаб директори ўзининг мансабидан фойдаланиб, ота-оналар ёки юқори турувчи ташкилотларнинг босими остида қўшимча рус тилли синфларни очади. Натижада ота-оналарга тартиб-қоидаларни четлаб ўтиб, мактаб маъмурияти билан норасмий қабул қилиш йўллари ҳақида гаплашишига имкон туғилади. Агар мактаб етарлича жиҳозланмаган ёки техник хизматларга эҳтиёжи бўлса, синфларда ўқувчилар меъёридан ошиб кетса, бюджетдан ташқари тўловларни, турли моддий ёрдамларни қабул қилишга мойил бўлади.

3. Оқибатда аксарият ота-оналар таълим олиш ҳуқуқидан фойдаланиб, боласини дарслар она тилида олиб борилмайдиган синфларга жойлаштиришга ҳаракат қилади. Бу билан улар педагогларни болага аввал тил ўргатишига, кейин билим беришига мажбур қилади. Табиийки, бу бошланғич синфларда таълим сифатига салбий таъсир қилади ва кўпинча ўқитувчиларда, ўз она тилида ўқиётган болаларнинг ота-оналарида ажратилган дарс соатларидан унумсиз фойдаланиш бўйича ўринли норозиликларни келтириб чиқаради.

4. Болалар мактабга қабул қилинаётганда педагогик ва психологик тайёргарлик етишмаслиги юзасидан респондентлар фикрлари таҳлил қилинганда, болаларни мактабгача тайёрлашни ташкиллаштиришга зарурат борлиги ва ота-оналарнинг ўзларини педагогик тайёрлаш кераклиги аён бўлди.

5. Таълим муассасасига маълумотнома тақдим этиш учун болаларни мақсадли тиббий кўриқдан ўтказиш қулай ва тезкор ташкиллаштирилмаслиги коррупцияга имкон яратади. Бу боланинг антропометрик параметрларини нотўғри ташхисланиши ва кейинчалик бошланғич мактабда болаларга жисмоний ва ақлий юк нотўғри тақсимланишига олиб келади.

6. Тадқиқот ўтказилаётган мактабларда кучли ўқитувчилар борлиги сабабли аҳоли ўртасида талаб юқори бўлади, буни ота-оналарнинг жавоблари ва изоҳлари ҳам тасдиқлайди. Шу билан бирга, директорлар мактабларда малакали кадрлар етишмаслигини ва ёш мутахассислар мактабда ишлашни истамаслигини қайд этишган. Мазкур факт ҳам мактабга қабул қилишда коррупция хавфига омил бўлиши мумкин, яъни ота-оналар маъмуриятни касб этикасини бузган ҳолда болаларини қўшимча квотадан ошириб, кўпинча маълум бир ўқитувчининг синфига қабул қилишга мажбур қилади, бу муайян ҳолатларда синф ва мактаблар тўлиб кетишига сабаб бўлади.

7. Шундай қилиб, асосий ва қўшимча квотани шакллантириш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва болани мактабга қабул қилишнинг барча босқичларида

ҳамда болани тил танлови бўйича тақсимлашда ота-оналар ҳамжамиятининг, маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг, тор доирадаги мутахассисларнинг (психологлар, педиатрлар, дефектологлар) иштироки жуда паст экани кузатилади. Бу шаффофлик етишмаслиги ва тегишли давлат таълими ва мактабларни қуриш режаси йўқлигининг оқибатидир. Қолаверса, бу мактабларда молиялаштириш, асосий техник ва санитария шароитлари, дарсликлар ва ўқув материаллари етишмаслигига, синф хоналарининг тўлишига, ўқитувчиларнинг ортиқча юклама билан ишлашига ва умуман таълим сифати тушишига олиб келиши мумкин.

ТАВСИЯЛАР

Уч тоифа (ўқитувчилар, бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналари, мактаб директорлари) респондентлар жавоблари таҳлил қилиниши натижасида антикоррупция лабораторияси экспертлари мактабга қабул қилиш жараёнида коррупция хавфи омилларини камайтириш мақсадида қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқди:

1. Асосий ва қўшимча квоталар бўйича бўш иш ўринлари сони тўғрисида барча давлат ва мактабгача таълим муассасаларини қамраб олган ҳолда, мактабларнинг 1-синфларига ота-оналарнинг мактабга бориши заруратисиз онлайн тарзда қабул қилиш имкониятини яратиб, ягона очиқ маълумотлар платформасини ишлаб чиқиш (Арманистон таълимни бошқаришнинг ягона ахборот тизимига ўхшаган, 2-иловага қаранг). Платформа ўқувчиларни қабул қилиш, ўринлар мавжудлиги, ўқувчиларни кўчириш,

ўқишдан четлаштириш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига рўйхатга олиш ва ҳоказолар бўйича мезон ва маълумотларни тақдим этиш орқали коррупция хавфини камайтиришни таъминлайди.

2. Мактабгача таълим муассасасидан бошланғич мактабга ўтиш, улар ўртасидаги алоқа, сифатни ўрганиш.

3. Умумтаълим мактабларида бошланғич синфларга онлайн қабул қилиш тартиби ҳақида ота-оналар хабардорлигини ошириш имкониятлари ва самарадорлиги бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Ота-оналар ўртасида ва умумтаълим мактаблари маъмурияти иштирокида мактабгача таълим муассасаларида битирув гуруҳларини ташкил этиш, бошланғич синфларга қабул тартиби ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш.

5. Фарзандлари мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган ота-оналарнинг яшаш манзилларида 1-синфга қабул тартиби ҳақида мавзули йиғилишлар ўтказиш.

6. Фарзанди 1-синфга борадиган ота-оналар учун қабул қилиш тартиби, ҳужжат топшириш муддатлари, суҳбатлар ҳақида хабардорлигини ошириш мақсадида ҳар бир мактабларда Очиқ эшиклар куни ташкил қилиш.

7. Қўшимча квота бўйича расмийлаштиришда мактабнинг имкониятлари ва малакали педагоглар борлигини ҳисобга олиш.

8. Мактабга қабул қилишда шаффофликни таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмас чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, бунда ота-оналар ҳамжамияти, маҳаллий ҳамжамиятлар вакиллари, тор мутахассислар (психолог, педиатр, дефектолог)нинг кенг иштирокини, болалар ва ота-оналар учун консультацияларни кўзда тутиш.

9. Психологлар ва бошқа зарур тор мутахассисларга бўлган эҳтиёжни танқидий ўрганиш ва барча умумтаълим мактабларини психолог-мутахассислар билан таъминлаш.

10. Болаларни таълим тили бўйича қабул қилишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бола учун она тили бўлмаган тилда ўқиш қийинчилик туғдиришини назарда тутиб, суҳбатлар ўтказиш, ундан сўнг натижага қараб мутахассислар бошчилигида қўшимча режали тайёрлаш зарур. Мақсад – бола бошланғич синфларда керакли билимни олиши ва педагоглар таълим стандарти бўйича берилган вазифаларни тўлақонли амалга ошириши учун қийинчиликларни бартараф этиш.

11. Юқоридаги тавсияларни инобатга олиб, болаларни мактабга қабул қилиш жараёнини енгиллаштириш, томонларнинг манфаатларини таъминлаш ва норасмий муносабатлар хавфи омилларини юзага келтирмаслик масаласини кўриб чиқиш.

12. Махсус тиббий маълумотномалар (086/У форма)ни беришнинг мавжуд тартибини танқидий ўрганиш ва тиббий кўриқдан ўтишнинг ҳаққонийлигини, қўйилган ташхиснинг ҳақиқатга

мувофиқлигини таъминлаш. Мактабга қабул жараёнида жойларда махсус тиббий кўрикни ташкиллаштириш имкониятларини кўриб чиқиш.

13. Мактабларни молиялаштиришнинг очиқлигини, шаффофлиги ва барқарорлигини ҳамда ресурсларнинг мақсадли сарфланишини ўрганиш. Давлат таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янада самарали тизимларини ишлаб чиқиш ва мактаб эҳтиёжи учун ота-оналарнинг ихтиёрий моддий кўмагини юридик томондан назорат қилиш.

14. Коррупция ва этикага зид хатти-ҳаракатларга (бошқа микроучасткадан болани қабул қилиш эвазига мактаб эҳтиёжларига моддий ёрдам, болани мактабга олишларини таъминлаш учун қалбаки тиббий маълумотномалардан фойдаланиш ва ҳоказо) олиб келадиган қўйидаги каби коррупция хавфлари ва ноҳалоллик омилларининг таъсирини камайтириш муҳим аҳамият касб этади:

✓ қабул жараёнига тегишли норматив акт ва ҳужжатлардаги камчиликлар, номувофиқликлар ва ваколатлар;

✓ турли сабаблар (маблағларни талон-тарож қилиш, ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик ва беҳуда сарфлаш ва ҳоказо)га кўра мактабларни жиддий равишда етарлича молиялаштирмаслик;

✓ мамлакатнинг барча ҳудудларида ота-оналарни қабул қилиш тўғрисида ахборот беришнинг самарасизлиги;

✓ асосий ва қўшимча квоталар ҳисоб-китобларига асос бўладиган мактаб имкониятларини етарли даражада баҳоламаслик (кўпчилик ўқитувчилар ва мактаб директорлари, шунингдек, ота-оналар бир синфдаги болалар сони 20-25 нафардан ошмаслигини таклиф қилади);

✓ Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий ва маҳаллий бўлимлари ва мактаблари ўртасида самарали ва тушунарсиз бошқарув занжири, вазирлик бўлинмаларда ҳаракатланиш эркинлигининг юқорилиги ва ҳисобдорлик, шаффофлик йўқлиги;

✓ ХТВ ва мактаблар ходимларига ҳалол ишлаш борасида ўқув машғулотлари, амалиётлар ўтказилмаслиги, шаффофлик ва ҳисобдорликнинг холис механизмлари йўқлиги.

4.2 БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ ВА УНИНГ ШАФФОФЛИГИ

Умумтаълим муассасаларнинг бухгалтериялари 2017 йилда бекор қилинган эди.⁸ Таълим муассасаларида шаффофликни ошириш ва бюджет жараёни устидан жамоатчилик назоратини ошириш, бюджетдан молиялаш механизмини, ҳисобот ва ҳисобдорликни такомиллаштириш, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари тизимидаги муассасаларда бюджет интизомини кучайтириш мақсадини кўзлаб яратилган марказлаштирилган молия-бухгалтерлик хизматлари яққол ижобий самара бермади.

Марказлаштирилган бухгалтерияларнинг вазифалари марказлашган тарзда харажатлар сметаларини тузиш ва бажариш, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, товар, ишлар ва хизматларни харид қилиш, тизимдаги муассасаларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини олиб бориш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган даромадлар тушумини мониторинг қилишдан иборат.

Аммо директорларнинг 10 фоизи жорий тизимнинг муаммоли эканлигини таъкидлади, чунки уларгина мактабларининг эҳтиёжлари ва молиявий самарадорлигини аниқроқ баҳолай олади.

Тадқиқот натижалари таҳлил қилинар экан, шуни таъкидлаш жоизки,

мактабларнинг бюджетдан ташқари маблағларини, шунингдек, ота-оналар ва ҳомийлардан олинган молиявий ёрдамни иш ва хизматлар (узайтирилган кун гуруҳлари, қўшимча машғулотлар, репетиторлик)ни реализация қилиш учун ишлатиш масалалари ҳозирда қонун ҳужжатлари ва норматив тарзда тартибга солинмаган.

Мактабларни молиялаштиришга нисбатан ота-оналар, ўқитувчилар ва директорларнинг тушунчаси ва тажрибасини таҳлил қилар эканмиз, ХТВ бўлимлари қошидаги марказлаштирилган бухгалтериядан харид қилган товар, иш ва хизматларнинг мактаб эҳтиёжларига мос эмаслиги жиддий саволлар туғдиради. Ваҳоланки, ХТВ ва марказлаштирилган бухгалтериялар бюджетни тақсимлаши ва ишлатиши тўғрисида очиқ ва шаффоф маълумот йўқлиги мактаблар уларга йўналтирилган маблағни кам олишига олиб келади. Ўз навбатида, бу мактаб директорлари, ота-оналар ва ўқитувчиларни мактабнинг моддий ва операцион эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бюджетдан ташқари тўловларни таклиф қилиш, бериш ва қабул қилиш кўринишидаги этикага зид (баъзан коррупциявий) хатти-ҳаракатларга мажбур қилади.

Ҳолбуки, 2005–2017 йилларда мавжуд бўлган мактабларнинг молиявий мустақиллиги тизими таълим муассасаларига ўз молиявий ваколатларини мактаб эҳтиёжларидан келиб чиқиб режалаштириш ва амалга ошириш имконини берганлигини таъкидлаш лозим.

⁸ <https://lex.uz/uz/docs/3323262> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 21 августдаги Қарори, ПҚ-3231

ШАФФОФЛИК ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЕТИШМАСЛИГИ

РЕСПОНДЕНТЛАР ТУШУНЧАСИ

Мактабларни молиялаштиришга оид масалалар респондентларнинг барча тоифалари томонидан фаол муҳокама қилинди. Иштирокчиларнинг жавоблари таҳлил қилинганда, қуйидаги рақамлар ўз аксини топди: барча ҳудудлардан 71,5 фоиз ўқитувчилар мактабнинг молиявий фаолиятига тегишли ахборотлар шаффоф ва ҳамма учун очиқ бўлиши кераклигини тасдиқлади. 45 фоиз ўқитувчилар ХТБ ва мактабларнинг бюджети, молиялаштирилиши ҳақидаги ахборотларнинг шаффофлиги, тўлиқлиги ва очиқлигидан қониқмайди.

Тошкент шаҳри, Фарғона, Навоий Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ўқитувчилари ўз мактабларида молиялаштириш етишмаслигининг энг юқори кўрсаткичларини таъкидлаган – 52 фоиздан 65 фоизгача. Андижон, Сирдарё, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларининг 31 фоиздан 43 фоизгача ўқитувчилари ҳам молиялаштириш етишмаслигини кўрсатган.

Мактабларнинг молиявий фаолияти очиқлиги масаласида ота-оналарнинг фикри қуйидаги тартибда фарқланди: 45 фоиз ота-она ижобий жавоб берди, бунда 26 фоизи бундай ахборотни қаерда ва қандай қилиб олишни билмайди. Респондентларнинг 16 фоизини бундай ахборотларнинг очиқлиги унчалик қониқтирмайди, 13 фоизини эса умуман қониқтирмайди. 42 фоиз ота-оналар мактабларни давлат томонидан молиялаштиришни кам, деб ҳисоблайди. 31 фоиз ота-оналар эса бу ҳақда ҳеч нима билмайди.

Молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик мавзусида 11,3 фоиз мактаб директорлари ҳам фикр билдирди. Энг кўп фикрлар Фарғона ва Сирдарё вилоятларидан бўлди – 14 фоиз. Уларнинг таъкидлашича, ҳозирда мактаблар фаолияти билан боғлиқ молиявий ҳужжатлар шаффофлиги 10 фоизга яқинлашган.

Ота-оналардан молиявий ва моддий ёрдам кўрсатиш мавзуси респондентларнинг ҳар уч тоифаси томонидан фаол муҳокама қилиниб, масалани қонунчилик билан тартибга солиш, жараённинг шаффофлигини таъминлаш юзасидан долзарб фикр ва таклифлар билдирилди.

Маблағ етишмаслиги мактаб фаолиятида қисман таъминот учун норасмий тўловлар юзага келишига олиб келади. 47 фоиз ўқитувчилар ота-оналар томонидан уларнинг хоҳишига қараб мактаб моддий қўллаб-қувватланиши керак, деб ҳисоблайди. 26 фоиз ўқитувчилар бунга қўшилган, фақат харажатлар ҳақида ҳисоб берилишини ва улар очиқ бўлишини қайд этган. 19 фоиз респондент ота-оналарнинг молиявий кўмаги зарурлигини бир овоздан маъқуллаган.

МАКТАБ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА НОРАСМИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

ЎҚИТУВЧИЛАР



ОТА-ОНАЛАР

**2-чизма.**

83,3 фоиз директорлар мактабнинг ота-оналар томонидан моддий қўллаб-қувватланишини маъқуллаган. «Агарда мактабда бюджет маблағлари етишмас ва бу таълим самарасига салбий таъсир қилса, ота-оналар ихтиёрий моддий ёрдам кўрсатиши мумкинми?» деган саволга 114 нафар директорнинг деярли ярми бюджет маблағлари етишмаслиги сабабли ота-оналар ихтиёрий равишда мактабга моддий ёрдам кўрсатишини маъқуллаган. 33 нафар директор ҳам мактабларга ихтиёрий ёрдам кўрсатилишига қўшилади, фақат ёрдам тизими шаффоф ва қонунчиликда белгиланган бўлиши даркор. 16 нафар директор таълим тўлиқ бепул бўлиши ва ота-оналардан моддий ёрдам қабул қилинмаслиги керак, деб ҳисоблайди.

Яна бир алоҳида жавоблар мактабларни молиялаштириш масаласини жиддий ўйлаб кўриш кераклигини кўрсатади. Масалан, улар орасида шундай изоҳлар бор: «Мен икки йилдан бери бюджетдан битта ручка ҳам олмадим. Мажбурликдан ёрдам сўраб, ота-оналарга мурожаат қиламан». «Мактабларнинг молиявий ресурси етмагани сабабли ота-оналар ва ҳомийлардан ёрдам сўрашга тўғри

келади». «Мактаб бюджети тўлиқ мактаб томонидан шакллантирилиши керак». «Қишлоқ мактабларига молиявий масалада жуда кам эътибор берилади».

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАЖРИБАСИ

Сўровномада 12 фоиз ўқитувчилар мактабларда норасмий тўловларга эҳтиёж борлигини тасдиқлади. Кўпинча ота-оналар кўрсатган моддий ёрдам пуллари дарсликлар, ўқув қуроллари ва материалларига сарфланади деганлар 30 фоизни, мактаб ва синф хоналарини таъмирлашга деганлар 22 фоизни ташкил этди. Ўқув дастурлари ва факультативлардан ташқари қўшимча машғулотларга сарфланади деганлар 17 фоизни ва маданий-маърифий тадбирлар (экскурсиялар, театрларга бориш)га деганлар эса 22 фоизни ташкил этди.

Ўқитувчилар мактабларни бюджетдан молиялаштириш етарлича бўлмагани учун ота-оналарга моддий ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур. Бу ҳақда респондентларнинг 19 фоизи маълум қилди. Ушбу жавобни энг кўп белгиланган ҳудудлар Қашқадарё, Тошкент ва

Наманган вилоятларига тўғри келмоқда – 26 фоиздан 36 фоизгача. Шу билан бирга, 11 фоиз ўқитувчилар бундай ёрдамга қарши. Самарқанд, Жиззах

ва Бухоро вилоятларида бу қўллаб-қувватланмаган – 14,5 фоиздан 28 фоизгача.

ЎҚИТУВЧИ ВА ОТА-ОНАЛАР ФИКРИЧА МАКТАБЛАР ЭҲТИЁЖЛАРИ

ЎҚИТУВЧИЛАР



ОТА-ОНАЛАР



3-чизма.

Болани 1-синфга қабул қилишда мактабга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича берилган саволга ота-оналар шахсий тажрибасидан келиб чиқиб, жавоб беришди. «Бирор бир хизмат кўрсатиш (таъмирлаш ишларида шахсан қатнашиш) кўринишида» ёрдам беришни 35 фоиз ота-оналар маъқуллаган. 70 фоизи мактабдан ёрдам сўралмаганини ва улар ҳам ёрдам бермаганини таъкидлаган. Бироқ мактаб ҳудудини ободонлаштириш ишларида қатнашганини 28 фоиз респондент тасдиқлади. Улар ўз изоҳларида мактабга ота-оналар томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши бўлган ва уларнинг истаги бўйича ва оиланинг моддий аҳволдан келиб чиқиб бўлиши керак.

Фикрлар орасида «мактабларнинг туганмас эҳтиёжлари ота-оналарнинг пул йиғишига олиб келаверади», дейилганлари ҳам учради. Масалан, республика бўйлаб ўтказилган

сўровда қатнашган ота-оналарнинг 36 фоизи ўқув жараёнига (ўқув қўлланмалар, материаллар ва ҳоказо) ота-оналарнинг ёрдами зарурлигини таъкидлаган. 19,3 фоиз ота-оналар мактаб ёки синф таъмирига ота-оналар ёрдами зарурлигини таъкидлаган. 15 фоиз респондентлар ота-оналарнинг молиявий ёрдами қўшимча машғулотлар ва факультативлар учун керак, деган. 10 фоизга яқин ота-оналар ёрдам мактаб жиҳозлари, мебель, пардалар, маданий-маърифий тадбирлар, сафар ва экскурсиялар учун транспорт харажатлари учун керак, деб жавоб берган.

Ҳолбуки, «Мактабга ёрдам кўрсатишингиз ёки пул беришингиз кераклигини қандай билдингиз?», деган саволга жавоб беришар экан, ота-оналарнинг 40 фоизи «менга тўғридан-тўғри айтишди», деган. Бунда

Сурхондарё (82%) ва Сирдарё (50%) вилоятларидаги респондентлар энг юқори кўрсаткични ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Навоий вилояти (13%) ва Тошкент шаҳри (15%)да аниқланди. «Буни ҳеч ким сўрамади, қабул жараёнини осонлаштириш/тезлаштириш учун қилдим», деган жавоб вариантини ота-оналарнинг 27 фоизи танлади. Энг юқори натижани Тошкент шаҳри (50,5%) ва Жиззах вилояти (46,5%) кўрсатди. Навоий, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида бу кўрсаткичлар 15 фоиздан 18 фоизгача оралиқда бўлди. Бунда ота-оналарнинг 23 фоизи бундай амалиёт мактабда оддий нарса эканлигини, буни бошқа ота-оналар/қариндошлар/дўстлардан билганлигини кўрсатди. Бундай жавоблар Навоий вилоятида (70%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (45%) респондентлардан олинди. Худди шу вариантни Сурхондарё (3%), Бухоро (11%), Сирдарё (12%), Андижон (9%) ва Жиззах вилоятларда – 9,5 фоиз ота-оналар белгилаган.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ

Интервьюларда 33 фоиз директорлар маблағларнинг ҳисобдорлик ва тақсимлаш тизими бутун молиявий ахборотни мактаб сайтида ёки ОАВда эълон қилиб, тўлиқ шаффофлигини таъминлаш шартин билан ота-оналарнинг молиявий ёрдамларини маъқуллаган. Бунда молиявий ёрдамни тўплаш энг кенг миқёсда ва қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлиши лозим. Олинган таклифларга кўра, йиғилган маблағлар устидан ота-оналар ҳомийлик кенгаши назорат ўрнатиши керак.

Шунингдек, бюджет ва бошқа манбалардан (ота-оналар ва ҳомийлар ёрдами) ажратилган молиявий

ресурсларни амалда ишлатишда мактаблар мустақиллигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Бунда баъзи директорлар мактаблар ота-оналардан мустақил бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Мактабларни давлат бюджетидан молиялаштирилишида самарасизликлар сабабларини ўрганиш таклиф этилмоқда. Фикрлар орасида кунлик эҳтиёжни акс эттирувчи ва ихтиёрий ёрдам тарафдорлари ҳам бор: «Агар ота-оналар ўзлари ёрдам беришни исташса, бераверсин. Мактаблар эҳтиёжи жуда кўп, давлат уларни тўлиқ қопламайди (масалан, мел, супурги, кўчатлар, латталар, швабра, челаклар), ушбу инвентарлар эскиради ва синади». Яна бир фикрда қашқадарёлик директор унинг мактаби таъмирлаш дастурида 2005 йилдан буён навбатда турганини айтган. Ечим сифатида ота-оналар ўқитувчиларнинг маошини оширишни (32%) ва мактаб таъминоти учун етарли маблағ ажратишни (16,5%) таклиф этмоқда. Маош масаласида ўқитувчиларнинг 51 фоизи, мактаб таъминоти масаласида 12 фоизи таклиф билдирган.

ХУЛОСАЛАР:

Таълим муассасалари фаолиятида шаффофлик, ажратилган бюджет маблағларининг етишмаслиги ва бюджетдан ташқари тўловлар амалиёти мавзусига уч тоифадаги респондентларнинг жавобларини таҳлил қилиш натижаларига кўра қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ажратилган бюджет маблағлари амалиёт ва биз ўрганган тушунча сифатида мактабларнинг мақбул равишда фаолият кўрсатиши учун етарли бўлмаганлиги сабабли, бу камчилик кўпинча ота-оналар

томонидан ихтиёрий, ўз ташаббуси ва илтимосига кўра бошқа ота-оналар, ўқитувчилар ёки мактаб маъмурияти томонидан ажратиладиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланади. Бундай хатти-ҳаракатга ота-оналар ва бошқа ҳомийлар қилган бюджетдан ташқари тўловларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар йўқлиги ҳам ёрдам беради. Шундай қилиб, бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш жараёнига мактаб тизими қатнашчиларининг ноҳалол хатти-ҳаракати хавф омили бўлиб хизмат қилади, чунки ушбу жараённинг натижаларидан бири ота-оналар бюджетдан ташқари ёрдам кўрсатиш эвазига этикага зид равишда «хизмат кўрсатиш», масалан, муайян ўқувчини устун кўриш ёки муайян иш ва/ёки чорак учун асоссиз юқори баҳо қўйиш натажасида коррупция ва ноҳалоллик юзага келиши хавфи бўлиши мумкин.

2. Мактаблардаги молиявий тизим етарлича шаффоф эмас. Унда директорлар, умуман солиқ тўловчи ўқитувчилар иштироки чекланган. Таълим муассасаларининг молиявий фаолияти ҳақида жараён субъектларини хабардор қилиш бўйича ишларнинг самараси йўқ. Молиялаштиришда шаффофликни ва самарадорликни таъминлаш учун ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган, PETS механизми ва самарадорликни баҳолаш имконини берувчи бошқа замонавий электрон ечимлар жорий этилган очиқ маълумотлар электрон тизимини ишлаб чиқиш ҳамда турли молиялаштириш моделларини оптималлаштириш тавсия этилади.

3. Ҳар уч тоифа респондентларнинг жавобларида «бюджетдан

ажратилаётган маблағлар халқ таълими тизими молия бўлинмаларининг ҳаракатлари натижасида мактабларга етиб бормади, таълим муассасалари ўртасида реал эҳтиёжларга асосланган маблағ тақсимланиши ноҳолис ва нотекис эканлиги» ўз аксини топди.

4. Мактаблар ўртасида маблағларни тақсимлаш ҳақида очиқ маълумотлар ва шаффофлик механизми йўқлиги таълим тизимига, ХТВ ва мактаблар фаолиятига ишончсизлик ошишига олиб келади. Бундай салбий тушунча мустаҳкамланиб қолиши, шунингдек, мактаб эҳтиёжлари учун норасмий тўловларни тўлашга ёки олишга мажбур бўладиган хоҳ мактаб директори, хоҳ ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан бўлсин, этикага зид ва коррупциявий хатти-ҳаракатнинг оддий ҳолга айланишига олиб келади.

5. Моддий-техник база ҳолати (таъмирлаш, ободонлаштириш, қўшимча ёритиш)нинг ҳақиқий таҳлили йўқлиги, молиявий ресурслардаги камчиликлар қатор муаммоларни юзага келтиради. Жумладан, харажат воситалари (канцтоварлар, техникалар) таъминоти, қўшимча дарсликлар ва қўлланмалар, ўқув ва тарбиявий вазифаларни амалга ошириш (тўғараклар, факультатив машғулотлар, маданий-маърифий тадбирлар)да ота-оналар, ўқитувчилар ва директорларни бюджетдан ташқари тўловларга ва баъзида шахсан хизмат кўрсатиш кўринишида этикага зид ҳаракатларни амалга оширишга мажбур қилади.

6. Юқорида қайд этилган камчиликлар таълим муассасалари маъмуриятини ота-оналар ва ҳомийлардан ёрдам олишга мажбур қилади, чунки ҳар бир раҳбар ўз муассасасида яхши шароитлар яратишга интилади,

бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш ва жамғаришда норматив ҳужжатларнинг самарасиз қўлланилиши, ўз навбатида, ўғирликка ва коррупцияга олиб келади.

7. Тўлдирилган сўровномалар ва интервьюларни таҳлил қилишда экспертлик гуруҳи шундай хулосага келди: мактаблардаги норасмий тўловлар айнан коррупция хавфи эмас, балки мактабларни молиялаштиришда бюджет маблағларининг етишмаслиги оқибатидир.

8. Қайд этилган хавфларни камайтириш учун тўловларнинг ихтиёрийлиги, шаффофлигини ва уларнинг сарфланишида ҳисобдорликни таъминловчи тизимни ишлаб чиқиш ва жорий.

ТАВСИЯЛАР:

1. Самарасизлик сабабларини ўрганиш, шаффофликни таъминловчи молиялаштириш тизимини, ажратилаётган ресурсларнинг етарлилигини ва уларни режалаштириш, амалга оширишда мактаб маъмурияти, ота-оналарнинг иштирок этиш ҳуқуқини кўриб чиқиш ва қайта ишлаб чиқиш.

2. Молиявий ресурсларни таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ҳолатини ҳаққоний таҳлил қилган, ҳаққоний нархлар ва харажатларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва тақсимлаш.

3. Бюджетдан ташқари маблағларни йиғиш ва ишлатиш зарурати сабабларини аниқлаш ва танқидий

таҳлил қилиш. Таҳлил асосида томонлар ҳуқуқи ва масъулиятини таъминловчи керакли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

4. Ажратилган бюджет маблағларини сарфлаш бўйича билим ва кўникмаларни ошириш мақсадида мактаб директорларини ўқитиш, мактабнинг молиявий фаолияти ҳақида ота-оналар кенгашини доимий хабардор қилиб бориш чораларини кўриш.

5. ХТВ ва унинг бошқармалари даражасида мактабларнинг ҳам бюджетини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳақида очиқ ва шаффоф маълумотлар платформаларини яратиш имкониятларини кўриб чиқиш.

6. Ажратилган ресурсларнинг шаффофлиги, етарлилиги ва тақсимланишини, маъмурият ва ота-оналарнинг молиялаштиришни режалаштириш ва реализация қилишда тўлақонли иштирокини таъминлайдиган молиялаштириш тизимини ишлаб чиқиш. Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига ота-оналарнинг ёрдам (моддий, молиявий ва хизматлар шаклида) кўрсатишини қонуний қилиш таклифини киритиш ва халқ таълими тизимининг барча муассасалари барча поғоналарда молиявий маблағларнинг тушуми, тақсимланиши ва улардан фойдаланишнинг шаффоф платформасини яратиш.

4.3 МАКТАБЛАРДА ИНФРАТУЗИЛМА, ЖИҲОЗЛАНГАНЛИК ВА ЛОГИСТИК ТАЪМИНОТ ЕТИШМАСЛИГИ

Уч тоифа респондентлар жавоблари (сўровнома ва улардаги шарҳлар)нинг таҳлили умумтаълим муассасаларининг мавжуд инфратузилмасида бир қатор муаммолар борлигини кўрсатди, хусусан, бунга сабаб квота ва квота бўйича ўринлар ҳисобида мактаблардаги синф хоналар ўрин сифими ва

инфратузилмаси ва умуман жойнинг демографик жиҳатлари инобатга олинмаганлигидир. Шунингдек, жавобларда куз ва қиш мавсумларида иссиқлик таъминоти етарли даражада эмаслиги, баъзи ҳолларда эса санитария шароитлари (ичимлик суви таъминоти, ўқувчи ва ўқитувчилар учун ҳожатхоналар) етарли эмаслиги ва мактабларда барқарор тез интернетдан фойдаланиш имконияти йўқлиги қайд этилган.

Респондентларнинг 50 фоиздан кўпроғи бошланғич, ўрта ва юқори синфлар ўқувчиларига мос мактаб

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ: МАКТАБЛАРДА МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ЎҚУВЧИ ЎРНИ ЕТИШМАЙДИ


(2021–2022 ўқув йили)

Ўқувчи ўринлари

5 154 501

Ўқувчилар сони

6 246 491





Жами мактаблар

10 130

ЭНГ ТўЛИБ КЕТГАН
ХУДУДЛАР

Манба: Халқ таълими
вазирлиги



2-расм.

мебели етишмаслигини, дарслик ва кўргазмали қўлланмалар, жумладан ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар, канцелария ва техник жиҳозлари етишмаслигини қайд этишган.

Янги мактаблар қурилиши ва инфратузилмани ривожлантириш, моддий-техника базани мустаҳкамлаш йиллик марказлаштирилган инвестиция дастурлари доирасида уч турдаги ишлар (янги қурилиш, капитал реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш) олиб борилади, ушбу дастур билан қамраб олинган мактаблар сони тахминан 350дан 400 гачани ташкил қилади.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар ҳисобига, заруратга қараб, муассасанинг қисман жорий таъмири ўтказилади (иситиш тизими, том, сув таъминоти, канализация тизими ва деворлар таъмири). Маҳаллий бюджетнинг чекланганлиги туфайли, одатда, бундай турдаги ишлар билан 10 фоиз мактабларгина қамраб олинади.⁹

Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бўлимлари, шунингдек, Тошкент шаҳри халқ таълими бош бошқармаси қошида тузилган муассасалар бино ва иншоотларини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлимлари штатида 2-4 киши бўлиб, мобил бўлинмалар мавжудлигига қарамай, чекланган ходим ва моддий ресурслар ва мактаблар орасида масофа катталиги

туфайли таълим муассасаларининг кундалик эҳтиёжини тўлиқ қоплай олмаяпти.¹⁰

Инфратузилмани сақлаш, коммунал хизматлар (электр энергияси, газ, сув таъминоти, интернет, телефон алоқаси) ҳақини тўлаш, жиҳозлар харид қилиш ва таълим муассасаларини жиҳозлаш учун маблағлари давлат бюджетининг 4-моддасида назарда тутилган ҳолда ажратилади, бу эса бюджетнинг етишмаслигидан келиб чиққан ҳолда, ҳозирда асосан коммунал харажатларни қоплайди ва камдан-кам ҳолларда ёритиш ускуналарининг қисман харажатларини қоплайди.¹¹

Мактаблар инфратузилмаси мавзуси ўқитувчилардан олинган изоҳлар сони бўйича иккинчи ўринда туради. Ресурс, жиҳозлар ва инфратузилма етарли эмаслигини энг кўп Фарғона – 55%, Жиззах – 38%, Сурхондарё – 11% ва Наманган – 6,7% вилоятлари ўқитувчилари қайд этди. Ресурслар етишмаслиги кўп ҳолларда синфлар тўлиб кетишига олиб келади, бу ҳам Наманган – 42%, Андижон – 22%, Фарғона – 10% ва Сурхондарё – 15% вилоятлари ўқитувчилари изоҳларида акс этган.

Нима сабабдан баъзи мактабларда синфдаги ўқувчиларнинг сони белгиланган нормадан ошиқ, деган саволга республикада сўралган ўқитувчиларнинг 37 фоизи мактаблар етишмаслиги туфайли, деб жавоб берган. Ота-оналарнинг 22 фоизи, яъни

⁹ <https://lex.uz/uz/docs/4691320> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил, 10 январдаги ПҚ-4565 Қарори. <https://lex.uz/uz/docs/5188515> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил, 28 декабрдаги ПҚ-4936 Қарори.

¹⁰ <https://lex.uz/uz/docs/3323262> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 21 августдаги ПҚ-3231 Қарори.

¹¹ Йиллик давлат бюджети.

бу ҳар бешинчи ота-она, мактабда жой йўқлиги сабабли, ўзлари яшайдиган микрораён квотасига мувофиқ болани жойлаштира олишмаган. Бу муаммонинг энг юқори кўрсаткичлари Навоий вилоятида – 41 фоиз ва Қашқадарё вилоятида – 28 фоизни ташкил этган.

Сўровда қатнашган директорларнинг қарийб 90 фоизи янги мактаблар қурилиши аҳоли ўсишидан жиддий орқада қолаётганини таъкидлади. Бу, ўз навбатида, ўқувчилар ўринларининг кескин танқислигига ва синфларда меъёрдан ортиқ тўлиб кетишига олиб келади. Тадқиқот қамраб олган 114 та мактабнинг барчаси ҳозирда икки сменада ишламоқда.

Мактаблардаги мавжуд камчиликларни санаб ўтадиган бўлсак, ота-оналарнинг 23 фоизи жиҳозларнинг ёмонлиги, мебел ва жиҳозлар етишмаслигини қайд этган. Энг юқори кўрсаткич Қашқадарё – 44%, Тошкент – 41%, Бухоро – 32% вилоятларида қайд этилган.

Сўровда қатнашган ота-оналарнинг 17,4 фоизи (мамлакатдаги тахминан ҳар бешинчи мактаб) иситишнинг заифлиги ёки унинг йўқлиги ҳақида фикр билдирди. Бу муаммонинг энг юқори кўрсаткичлари қуйидаги вилоятларда қайд этилди: Самарқанд – 30 %, Навоий – 28 %, Бухоро – 25,5 %, Қорақалпоғистон Республикаси – 23,2%. Ичимлик суви ва санитария шароитларининг этишмаслиги респондентларнинг ўртача 9 фоизи томонидан қайд этилган – бу статистикага кўра, республикадаги 1 100 дан ортиқ мактабдир.

Сўровда қатнашган деярли ҳар ўнинчи директор мактабнинг моддий-техник

базаси билан боғлиқ муаммоларни айтиб ўтган. Жиззах вилояти директорлари бу муаммони энг кўп таъкидлаган - 15,5 фоиз.

Халқ таълими тизимдаги бюджетдан ташқари йиғимларнинг сабабини ўқитувчилар туман ва шаҳар марказлаштирилган бухгалтериялар айби билан маблағлар мактабгача етиб келмаслигида деб билишади (27% Қорақалпоғистонда, 20% Хоразмда, 20% Навоий ва Тошкент вилоятларида, 18% Андижонда, 16% Жиззахда, 14% Қашқадарё вилоятида, 12% Сирдарё ва Фарғона вилоятларида). Шунингдек, ўқитувчилар мактаб бюджети устидан жамоатчилик ва маъмурий назорат йўқлигини таъкидлаган (18% Қашқадарёда).

Ота-оналар мактаб бюджетининг шаклланиши ва ижроси устидан маъмурий назорат йўқлиги (Навоийда 36 %, Қорақалпоғистонда 17%), ота-оналар халқ таълими бухгалтерия бўлимлари ходимлари хатти-ҳаракатлари туфайли пул маблағлари мактабларга етиб келмаётганини таъкидлаган (республика бўйича 11,3%) ёки умуман олганда, мактаблар етарли даражада молиялаштирилмаган, деб ҳисоблайди (Тошкентда 33%, Қорақалпоғистонда 22%, Тошкентда 21%, Фарғонада 17%, Наманганда 16% ва Сурхондарёда 15%).

Дарсликлар билан таъминлаш масаласига келсак, республика бўйича ўқитувчиларнинг 13 фоизи дарсликлар етишмаслигини билдирган. Бу борадаги энг юқори кўрсаткич Жиззах вилояти ва Сурхондарё вилоятида – 22%дан, Қорақалпоғистон Республикасида – 21 %дан ва Самарқанд вилоятида – 20,5 %дан қайд этилди. Сўров ўтказилган

ота-оналарнинг статистикаси ҳам ҳудди шундай кўрсаткичларни кўрсатмоқда: республикада ота-оналарнинг 12 фоизи дарсликлар етишмаслигини қайд этган (Навоий вилояти – 25 фоиз, Сурхондарё – 22 фоиз, Фарғона ва Хоразм вилоятларида – 18 фоиз).

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ

Сўровда қатнашган ўқитувчиларнинг 45 фоизи янги мактаблар қуришда қурилиш имкониятлари ва демографик кўрсаткичларнинг ўсиши, шунингдек, синфлар сиғими ва мактабда бепул ўриндиқлар мавжудлигини ҳисобга олиш зарур, деб ҳисоблайди. Ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари шуни кўрсатадики, квотани ҳисоблашда мактабларнинг инфратузилма имкониятлари ҳисобга олинмайди, бу эса синфларнинг тўлиб кетишига ва мавжуд инфратузилманинг тез эскиришига олиб келади. Қашқадарёда 63%, Хоразмда 51%, Бухоро вилоятларида 44%, Қорақалпоғистон Республикасида 43%, Фарғонада 38%, Навоий вилоятларида 34%, Тошкент шаҳрида 33%, Андижон ва Сирдарё вилоятларида 32%, Наманганда 26%, Сурхондарё вилоятида 25% ўқитувчилар синфларнинг кўплиги ўз вазифаларини яхши бажаришлариға халақит бераётганини таъкидлади.

Ота-оналарнинг 22 фоизи яшаш жойларида етарлича ўқув ўринларни яратиш ва уларни тажрибали педагоглар билан таъминлашни таклиф қилган.

114 нафар директорнинг 77 нафари қолдирган изоҳларида аҳоли талабини қондириш учун мактаблар ҳудудида қўшимча бинолар қурилиши кераклигини, шунингдек, мавжуд

биноларни қайта таъмирлаш учун қўшимча ресурслар ажратиш зарурлиги қайд этилган.

8 нафар директор мактаб ота-оналардан мустақил бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Шарҳларда шундай дейилади: «Мактабларга давлат таъминоти етишмаганда, раҳбарлар ўзлари таъмирлашга, принтер, техник хизмат ва бошқа кундалик эҳтиёжлари учун маблағ излашга мажбур бўлади». «Бу муаммони ота-оналар ҳомийлик кенгаши ёрдамида самарали ечиш мумкин. Ота-оналар мактабга берилаётган ёрдамдан хабардор бўлса ва уни бошқарса, ҳаммаси шаффоф бўлади».

ХУЛОСАЛАР:

1. Аҳоли сони ўсишининг, турар жойлар қурилишининг аниқ прогнози йўқлиги боис мактабларда ўқувчилар сиғими, яшаш манзили бўйича ўқувчилар ўрни етишмаслиги муаммолари юзага келади.

2. Республиканинг 70 фоиз мактаблари икки ва ундан ортиқ сменада ишламоқда, бу эса ўқув-тарбиявий жараёнлар учун яхши шароитларга, аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатига кафолат бермайди.¹²

3. Микроучасткада аҳоли сонининг ўсиши зарур мебель ва техник жиҳозлари (парталар, стуллар, кийим ва китоб жавонлалари, доскалар (жумладан, электрон), проекторлар ва ҳатто бўр) йўқ қўшимча ўқув синфлар очилишига олиб келади. Баъзан моддий ва техник

¹² ХТВнеинг 2020-2021 ўқув йили учун статистик маълумоти.

таъминланганликнинг бир хил ва етарли эмаслиги параллел синфларда шароитлар тенг бўлмаслигига олиб келади, шунингдек, бунда улар ҳам болани яхшироқ синфга беришга ҳаракат қилган ота-оналар, ҳам ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб яхшироқ синфга қабул қилаётган маъмурият коррупциявий хатти-ҳаракат омили ҳисобланади. Тизимли даражада водопровод суви йўқлиги, иситиш тизими кўнгилдагидек ишламаслиги, санатария шароитлари ва интернетга уланиш йўқлиги каби инфратузилма муаммоларини ҳам таъкидлаш зарур.

4. Ота-оналар, ўқитувчилар ва директорларнинг мактабларнинг моддий таъминланганлиги масаласи бўйича сўров натижалари шуни кўрсатадики, мактабларни молиялаштириш ва бюджетни ХТВ томонидан ишлатилишидаги шаффофлик йўқлиги, шунингдек, мактабларни эҳтиёжларга асосланган самарали молиялаштиришнинг етишмаслиги таълим жараёнининг моддий шароити туфайли таълим сифати пасайишининг сабаби бўлиб хизмат қилишини кўрсатади, бу тизим даражасида ахлоққа зид (камроқ ҳолларда коррупциявий) хатти-ҳаракатни ва бюджетдан ташқари молиялаштириш (норасмий тўловлар) дан жараён қатнашчилари бўлган барча уч тоифа (ота-оналар, ўқитувчилар, директорлар) фойдаланиш амалиётини қўзғатувчи коррупциявий хавф-хатари ва ноҳалоллик омили ҳисобланади.

5. Агар Самарқанд вилоятида 1 100 га яқин мактаб бўлса, ҳудуддаги 20,5 фоиз ўқитувчиларнинг дарсликлар етишмаслиги билан боғлиқ тажрибаси этикага зид ҳаракат (кўпроқ коррупциявий)га олиб борувчи

коррупция хавфи ва ноҳалоллик омилидир. Бу ота-оналар томонидан норасмий (қонунда назарда тутилмаган) тўловлар ёрдамида зарур дарсликларни (ёки уларнинг нусхаларини) эркин сотувда йўқлиги боис харид қилишида намоён бўлади. Тизимли даражада бу таълим сифатини ҳам (агар оила моддий қийин аҳволда бўлса), ота-оналар ва ўқитувчилар томонидан давлат таълимига ишончни ҳам пасайтиради.

6. Мактаблар эҳтиёжлари етарлича молиялаштирилмаслиги, бу жараённинг шаффоф эмаслиги мактаб бюджетини режалаштириш ва ижро тизимида ишончсизлик, ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида нотўғри фикрлар пайдо бўлишига олиб келади. Бунга ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан маълум қилинган тадқиқотдаги маълумотлар далил бўла олади.

7. Директорлар жавобларига кўра, молиялаштириш нафақат сарфланма материалларга, балки хизматларга тўлашга, хусусан, масалан, таъмир ишлари учун ҳақ тўлашга ҳам тегишли. Бундай ҳолларда директорлар ўз ёнидан ишчиларни ёллашга ёки ота-оналардан илтимос қилишга мажбурдир. Баъзан эса ёрдам бераётган ота-оналар болаларининг баҳосини юқорироқ қўйишни илтимос қилади, бу эса молиялаштириш етишмаслиги шаклидаги коррупциявий хавф-хатар омили, ота-оналар ва мактаб ходимларининг ноҳалол хатти-ҳаракатлари кўринишидаги коррупция хавф-хатарига олиб келиши мумкинлигидан далолат беради.

ТАВСИЯЛАР

Тадқиқот маълумотлари асосида ва хорижий мамлакатларнинг илғор

тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, ички ва ташқи инфратузилмани тубдан яхшилаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади: санитария ва иситиш тизимлари, юқори тезликдаги интернет тармоғидан барқарор фойдаланиш, зарур мебел, жиҳозлар, инвентар, дарсликлар, кўргазмали ва услубий қўлланмалар, иш юритиш ва офис жиҳозлари (камида принтер, электрон доска, проектор) билан таъминлаш:

1. Маҳаллаларнинг статистик маълумотлари асосида ҳудудларни зарур ўқувчилар ўринлари билан таъминлаш мақсадида умумтаълим мактабларининг жойлашуви бўйича аҳоли сонининг ўсишининг энг аниқ прогнозини шакллантириш. Аҳолининг прогноз қилинадиган ўсишини ҳисобга олган ҳолда мактаб ва ҳар бир синфнинг оптимал синф сифимини алоҳида ҳисоблаб чиқиш. Ота-оналар ва ўқитувчиларнинг изоҳлари синфда 20-25 та ўқувчи сони оптимал даражада эканини кўрсатиб турибти.

2. Маҳаллий аҳоли ўсишининг узоқ муддатли прогнозини инобатга олиб, умумтаълим мактабларининг кўп таклифдаги намунали лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бунда мактабларнинг географик жойлашуви ўзига хосликларини ва жаҳон тажрибасини эътиборга олиш.

3. Мактаблар қурилишини аҳоли сонининг истиқболдаги ўсишининг аниқ прогнози асосида амалга ошириш, дунё амалиётида бўлгани каби ушбу ҳудудда аҳолининг кутилмаганда ўсиш ҳолатида мобил модул блокларини кўзда тутиш.

4. Умумтаълим мактабларининг иссиқлик ва сув таъминоти ҳолатини текшириш. Текширув натижаларига мувофиқ, уларни куз-қиш мавсумида иссиқлик ва сифатли ичимлик суви билан доимий таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

5. Мактабларни кенг полосали юқори тезликдаги Интернет билан таъминлашнинг аниқ чораларини кўриш.

6. Мактабларни жиҳозлаш, мебеллари, канцелярия ва хўжалик молларини янгилаш бўйича ҳаққоний харажатлар, эҳтиёжлардан келиб чиқиб мониторинг ўтказиш ҳамда мактаб бюджети харажатларига мувофиқ, ҳаққоний молиявий таъминлаш чораларини кўриш.

7. Келажакда қуриладиган мактаблар биносини лойиҳалаштиришда шаффофлик бўлиши, етарлича ўқувчи ўрни яратилиши, бунинг учун ажратилган бюджет маблағлари сарф-харажатлари бўйича жамоатчилик билан келишув ва жамоатчилик назоратини мажбурий таъминлаш.

8. Мактабларни дарсликлар билан таъминлаш самарадорлигини хориж мамлакатларининг илғор тажрибалари асосида баҳолаш.

4.4 МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ЕТИШМАСЛИГИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг маълумотига кўра, тайёрланаётган ёш мутахассис педагоглар сони етарли бўлишига қарамай, амалда ўқутувчи касбининг нуфузи пастлиги туфайли мактабларнинг педагогларга бўлган эҳтиёжи юқори. Мактаб педагогларининг малака даражаси ва кўникмалари етарли эмаслиги умумий ўрта таълим тизими олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли ечишга тўсиқ бўляпти ва мактаблар орасидаги тенгсизлик келтириб чиқаряпти.

Кадрлар билан боғлиқ ҳал қилиниши керак бўлган асосий муаммо бу – бошланғич синфларда ўрта махсус маълумотли педагогларнинг кўпчиликини ташкил қилиши. ХТВ тизимида ишлаётган 501 044 нафар педагоглардан 49 731 нафари (9,9%) ўрта махсус маълумотга эга. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида уларнинг улуши 20 фоизни ташкил қилади. Атиги 17 489 нафар ўқитувчи (3,5 %) олий маълумотли, 63 626 нафари (12,7%) - биринчи, 137 917 нафари (27,5%) иккинчи тоифага, 217 354 нафар (43,5%) педагог “мутахассис” тоифасига эга.¹³

Кўп ҳолларда ўрта махсус маълумотли мутахассислар сифатли таълим бера олмайди, бу – педагогика коллежларида педагогика, психология фанларидан дарс бериш услубиятига ажратилган соатлар чекланганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун педагогика коллежларнинг битирувчилари ўтилган дарс қанчалик

ўзлаштирилганлигини, уни ўқувчилар идрок этишини аниқлаш учун етарли малакага, шунингдек, болалар билан психологик шуғулланишни йўлга қўйиш тажрибасига эга эмас. Тадқиқотга қамраб олинган талабгир/тўлган мактабларда педагоглар таркиби олий маълумотга эга, ҳолбуки республиканинг кўп мактабларида бошланғич синфларда ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар дарс беради. Бу – мактаблар, синфлар орасида ва сифатли таълим олишда тенгсизликка олиб келади. Тенгсизлик, ўз навбатида, бошланғич мактабга қабул қилишда ва таълим олиш жараёнида коррупциявий хавф-хатар омили ҳисобланади.

Ўқитиш тили рус тили бўлган мактаблар учун кадрлар тақчиллиги – алоҳида мавзу, дейиш мумкин.¹⁴ Аниқ ва табиий фанлар бўйича рус тилидаги мактабларда ишлаётган педагогларнинг кўпчилиги аҳолининг пенсия ва пенсия олди гуруҳига мансуб, кўп ҳолларда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш кўникмаларига эга эмас. Шунинг учун, ушбу синфларда машғулотларни тил эгалари бўлмаган кишилар ўтказди ва бу ўқувчилар зарур билимни эгаллашига жиддий таъсир кўрсатади.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ота-оналар мактабни танлашда, асосан унинг обрўига эътибор қаратади – буни сўровда қатнашган ота-оналарнинг 13,4 фоизи тасдиқлади.

¹³ ХТВнеинг 2020-2021 ўқув йили учун статистик маълумоти тўплами

¹⁴ ХТВнеинг 2020-2021 ўқув йили учун статистик маълумоти тўплами

Шунингдек, ота-оналар (39%) танланган мактабда малакали педагоглар туфайли бериладиган таълим сифати юқори эканлигини таъкидлади. Айни пайтда касбий ноҳалоллик мавзуидаги изоҳларда ота-оналар кўп ҳолларда билим олишда шароит тенг эмаслигини, мотивациянинг пастлиги ва малакали кадрлар етишмаслигини қайд этди. Ушбу сўровда қатнашган ота-оналарнинг ярми мактаб ва синфни танлашда педагоглар тажрибаси ва ишларининг натижасига эътибор беришини кўрсатди, бу кўп ҳолларда бир синфлар тўлиб кетиши ва бошқа синфларда етишмовчиликка олиб келади. Ушбу ҳолат коррупциявий хавф-хатар омиллини ташкил қилади, чунки кўп ҳолларда ота-оналар боласини мактабга жойлаштириш чоғида коррупциявий ва этикага зид хатти-ҳаракатни намоён этиб, бу билан мактаб ходимларини ҳам шундай хатти-ҳаракатни содир этишига ёки жараёнда қатнашишига ундайди.

37 фоиз ўқитувчилар ўз мактабларидаги афзалликлар орасида ўқитувчилар таркиби яхшилигини таъкидлаган. Бу борада энг юқори кўрсаткич Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида қайд этилди – 50-60 фоиз. Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида сўралган ўқитувчиларнинг тахминан 25-26 фоизи ўз мактабларидаги ўқитувчилар таркибини яхши, деб ҳисоблайди.

Сўровда қатнашган ўқитувчиларнинг кўшимча изоҳларида малакали кадрлар етишмаслиги муаммосини ва кадрлар танлаш тизимини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаган. Ушбу мавзулар энг кўп қуйидаги ҳудудларда кўтарилди: Жиззах вилояти - 32%, Қорақалпоғистон Республикаси - 29%, Сурхондарё - 28%, Самарқанд

вилояти – 17%, Андижон вилояти – 12%. Тошкент шаҳридаги сўровда қатнашган ўқитувчиларнинг ҳар ўнтаси изоҳларда ўқитиш тили рус тили бўлган мактабларда ўқитувчилар рус тилини яхши билмаслигини ёзишган.

Ўртача 6 фоиз ҳолларда сўровда қатнашган директорлар ушбу мавзуда махсус саволлар йўқлигига қарамай, педагог кадрлар тайёрлашнинг самарасизлиги, малакали кадрлар етишмаслиги мавзуларини кўтариб чиққан. Мактаб раҳбарлари ҳам, ота-оналар ҳам ўқитувчи касби етарлича обрўли эмаслигини, шунингдек, педагогнинг мақоми ва обрўини ошириш муҳимлигини таъкидлаган. Респондентлар ёш мутахассислар болалар билан амалий ишлашга тайёр эмаслигини, дарс бериш ва болалар билан мулоқот қилиш учун етарлича кўникмаси йўқлигини, бола психологияси бўйича билими пастлигини айтишган.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ

- ✓ Ота-оналарнинг деярли 38 фоизи ўқитувчи касбининг жамиятдаги обрўини ошириш муҳим, деб ҳисоблайди.
- ✓ Сўровда қатнашган барча директорларнинг ярми ОТМ талабалари орасида педагогик таълимнинг нуфузи паст эканлигини ва ўқитувчиларни сифатли тайёрлаш кераклигини таъкидлаган. Бутун республикада таълим сифатини юқори ва бир маромда қилиш учун ўқитувчилар салоҳиятини, билим ва кўникмаларини оширишга катта эътибор бериш керак.

- ✓ Мактаб директорлари билан ўтказилган интервьюларда ўқитувчилар малакаси етарли эмаслиги устидан ота-оналар шикоят қилган ҳолатлар мавжудлиги маълум бўлди. Шунингдек, ўқитувчиларнинг маоши камлиги ва иш вақти билан шахсий ҳаёти орасида соғлом мувозанатни ўрнатиш имконини бермайдиган номутаносиб иш юкламаси туфайли уларда ишни сифатли бажаришга интилиш йўқ. Ота-оналар мактабга тажрибаси йўқ ўқитувчиларни қабул қилинишидан шикоят қилиб туради. «40 ёшгача бўлган ёш аёл ўқитувчи она бўлгани учун кўпроқ оиласини ўйлайди, ўқувчилар уларни унча қизиқтирмайди, моддий рағбатлари паст», - дейди суҳбатда Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирининг аёл директори.
- ✓ Тошкентдаги сўровда қатнашган ота-оналар изоҳларида ўқитувчилар таълим даражасини ошириш ва мактаблардаги педагоглар сони етарли бўлишини таъминлаш зарурлигини билдирган. Бундан ташқари, бўлажак ўқитувчиларнинг амалий машғулотлари миқдорини ошириш таклиф қилинган.
- ✓ Ўқитувчилар етишмаслиги (математика ва физика фанларидан) муаммосини ҳал қилиш учун Тошкентдаги аёл директорлардан бири дарс бериш қобилияти бор ўқувчилардан энг истеъдодлиларини танлаб, тамомлаган мактабларига ишга қайтиш шarti билан университетда бепул ўқитиш квоталарини очишни

- ✓ таклиф қилди. Аммо бунинг учун педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида шаффоф қабулни таъминлаш керак.
- ✓ Директорларни маҳаллий Халқ депутатлари кенгашларида тайинлаш тизимини бекор қилиш керак, тайинлаш жараёнининг ўзи эса шаффоф тарзда жамоатчилик қатнашуви билан ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСАЛАР:

1. Тадқиқотга қамраб олинган мактабларда малакали ўқитувчилар борлиги сабабли аҳоли орасида талаб катта эканлигини ота-оналарнинг жавоблари ва изоҳлари тасдиқлади. Ваҳоланки, директорлар тажрибали ва малакали кадрлар етишмаслигини таъкидлаб, ёш мутахассислар орасида мактабда ишлашга иштиёқнинг пастлигини қайд этишган. Ушбу факт мактабга қабул қилишда коррупциявий хавф-хатар омили ҳисобланади, чунки ота-оналар мактаб маъмуриятининг касб этикасини бузиб, ўқувчиларни квотадан ташқари, кўп ҳолларда муайян ўқитувчининг синфига қабул қилишга мажбурлайди, бу эса аввалги бўлимда таъкидланганидек, синф ва мактабларда ўринлар тўлиб кетишига олиб келади.
2. Баъзи директорлар маҳаллий давлат органлари, хусусан, баъзан ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, ҳокимликлар мактаб директори лавозимига халқ таълими соҳаси мутахассисини эмас, балки хафвсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг собиқ ходимларини тайинлаши муаммоли амалиёт эканини кўрсатган. Бу, ўз навбатида, жойлардаги

ижро ҳокимияти органларининг қариндошчилик ва таниш-билишчилик шаклидаги ноҳалол хатти-ҳаракатидан дарак беради. Баъзи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг собиқ ходимлари умумтаълим муассасалари фаолиятининг ўзига хослиги тўғрисида, шунингдек, педагогика ва бола психологияси бўйича етарли билимга эга эмас.

ТАВСИЯЛАР:

1. Мактаб ва синфлар тенг эмаслиги туфайли мактабга қабул қилишда коррупция хатарлари юзага келишига олиб келадиган тажрибали малакали педагогик кадрлар етишмаслиги масаласининг ечими сифатида аҳоли ўсиши, ўқитиш тиллари ва фанларни инобатга олган ҳолда умумтаълим муассасалари педагогларига буюртма портфелини шакллантиришни қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

2. Ўқитувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишлашга рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, касб этикасига зид хатти-ҳаракатлар хавфини камайтириш мақсадида уларнинг иш ҳақини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, синфларда ўқувчилар сонини ошиб кетишни олдини олиш, ўқитувчилар орасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш тавсия этилади. Илғор хорижий моделлар, ёндашувлар ва ўқитувчилар малакасини ошириш модулларини ўрганиш келгусида улар учун қулай шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради.

3. Ёш мутахассислар орасида мактабда ишлашга бўлган иштиёқни кучайтириш мақсадида педагогика ОТМларида етарли балл тўплай олмаган талабаларни кейинчалик

республиканинг чекка ҳудудларидаги мактабларда ишлаш шarti билан педагогика олий ўқув юртларига мақсадли қабул қилиш, яшаш ва фаолият юритишларига шароит яратиш учун уларга грантлар кўринишида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлашни амалиётга жорий этиш тавсия этилади.

4. Келажакда мутахассис бўлиши мумкин бўлганларни педагогика ОТМларига мақсадли қабул қилишни таъминлаш учун абитуриентларнинг келажак касбига яроқлигини педагогик ва психологик услублар асосида аниқлаш мақсадида суҳбат асосида танлаб олиш методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, талабаларни тест асосида танлаб олишдан воз кечиш тавсия этилади.

5. Олий педагогик таълим олиш имконини ошириш мақсадида қўшма педагогик синфлар яратиш, ўқувчиларни эрта касбий йўналтириш учун педагогик ОТМлар ва мактаблар орасида яқин алоқани йўлга қўйиш, кейинчалик юборган мактабга бориб ишлаши шarti билан педагогик ОТМларга имтиёз асосида қабул қилиш схемасини ишлаб чиқиш зарур.

6. Халқ таълими вазирлиги ҳудудий ташкилотларининг мактаб директори лавозимига кадрлар резервини шакллантиришдаги ролини кучайтириш мактаб директори лавозимига номзодларни танлашда қариндошчилик ва таниш-билишчиликни олдини олишга, шунингдек, мактабларни педагогика бўйича таълим олган, мактабда ишлаш тажрибаси бор, бола психологиясидан хабардор кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

4.5 МАКТАБ ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ

Сўнгги йилларда умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва ходимларининг иш ҳақини ошириш ва моддий рағбатлантириш бўйича турли даражадаги кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди, уларда ўсиш ҳажми ва уларни тўлаш шартлари кўрсатилган. Ҳар бир ҳужжатда ўқитиш ставкасидаги соатлар сони (юк соатлари) белгиланади ва улар доимо ўзгариб туради.¹⁵


Иш ҳақи миқдори ва уларни тўлаш шартларининг тез-тез ўзгариши иш ҳақи миқдорини ставкалар ва малака

тоифаларига нисбатан ноаниқликларга олиб келди.

Юқоридагиларнинг барчаси тушунмовчиликлар ва талқинларни юзага келтирди, шаффофликнинг йўқлиги эса жараёни янада оғирлаштиради. Шу сабабли, респондентларнинг уч тоифаси ҳам ўқитувчиларнинг маошидан норозилигини билдирган.

Сўралган ўқитувчилар таълим тизимидаги камчиликлар бўйича қолдирган изоҳларда энг кўп иш ҳақининг камлиги, моддий рағбатлантириш ва ставка бўйича иш ҳақини ошириш зарурлиги масаласига тўхталиб ўтилган.

РЕСПУБЛИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ, СТАВКА ТЎЛОВИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ, МЕҲНАТ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ Тўғрисидаги фикри



4-чизма.

¹⁵ <https://lex.uz/uz/docs/3323262> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231 Қарори

Ўқитувчиларнинг 45,5 фоизи иш ҳақининг пастлиги туфайли қўшимча иш олишга мажбур бўлаётганини тасдиқлади. 26,3 фоизи ота-оналарнинг фарзандлари билан алоҳида тўлов эвазига шуғулланиш таклифига рози бўлишларини қайд этди. Бунда 40 фоиз ўқитувчилар норасмий йиғимларнинг сабабини иш ҳақининг пастлигидан кўришмоқда. Шунингдек, ота-оналарнинг қарийб учдан бир қисми мактаб тизимида бюджетдан ташқари тўловлар амалиётига мактаб ходимларининг иш ҳақининг пастлиги сабаб, деб ҳисоблайди.


Директорларнинг 23 фоизи ўқитувчиларнинг ҳам, директорларнинг ҳам ҳозирги ойлик маоши паст, ўқитувчилар юқори маош олса, таълим

сифати ошади, деб ҳисоблайди. Бухоро вилоятидан қабул қилинган изоҳлардан бирида директор 2,5 миллион сўм маош йўл харажатларига сарфланаётганини қайд этади. Яна бир изоҳда мактабларда таълимнинг тарбиявий компонентини кучайтириш учун кўпроқ эркак ўқитувчиларга талаб борлиги айтилади.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ:

Таълим сифатини яхшилаш ва мақомини кўтариш учун респондентлар (ўқитувчилар), биринчи навбатда, иш ҳақини ошириш, ўқитувчилар ставкасини қайта кўриб чиқиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва турли ҳисобот ва режалар шаклидаги қоғозбозликни камайитириш зарур, деб ҳисоблайди.

ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ, СТАВКА ҲАҚИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ, МЕҲНАТ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ Тўғрисидаги ТАКЛИФЛАРИ



5-чизма.

Таълим тизимида бюджетдан ташқари тўловлар билан курашиш учун 51,5 фоиз ўқитувчилар иш ҳақини оширишни таклиф қилмоқда. Машаққатли меҳнатни инobatга олган ҳолда фаррош аёлларнинг ойлик маошларини ошириш, бу орқали эса ота-оналарнинг фаррошлик учун бюджетдан ташқари тўловларини камайтириш тарафдори бўлганлар ҳам бўлди.

Республика бўйлаб сўровда қатнашган ота-оналарнинг 21 фоизи фикрича, мактабларда касбий этикани кучайтириш мумкин, шунингдек, мактаб маъмурияти ходимларини, ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашни (ойлигини ошириш, шу жумладан уларга ижтимоий кафолатлар, (ижтимоий суғурта, ижтимоий имтиёзлар) бериш орқали ҳам ҳолатни яхшилаш мумкин. Бундай жавобларни энг кўп Навоий вилояти – 40,5 %, Сурхондарё вилояти – 28 %, Тошкент шаҳри – 27 % қолдирган.

Ота-оналарнинг учдан бир қисми мактаб таълимида бюджетдан ташқари тўловларга қарши курашиш мақсадида ўқитувчиларнинг иш ҳақини оширишни таклиф қилмоқда. Директорларнинг тўртдан бир қисми ҳам ўқитувчиларнинг юқори маоши бюджетдан ташқари тўловларни камайтиришга ечим бўлади, деб ҳисоблайди.

ХУЛОСАЛАР:

1. Сўровда қатнашган ўқитувчиларнинг ярми қўшимча равишда ишлашлари кераклиги таъкидланган, бу эса уларнинг асосий иш сифатига жиддий таъсир қилади. Ўқитувчиларнинг тўртдан бир қисмидан

кўпроғи иш ҳақининг пастлиги сабабли ота-оналар томонидан норасмий моддий рағбатлантиришга рози. Бу коррупция ва касбий ҳалоллик учун хавф омили бўлган ўқитувчилар ва ота-оналарнинг этикага зид хатти-ҳаракатлари учун майдон яратади.

2. Кам иш ҳақи ўқитувчиларнинг жамиятдаги муносиб мавқеини таъминламайди, уларнинг меҳнат харажатларига ва реал бозор нархларига мос келмайди, бу эса ишда иштиёқсиз ишлашга олиб келади, шунингдек, мактаб ходимларини кўпинча бюджетдан ташқари тўловларни қабул қилишга ундайдиган ушбу хавф омили таъсирининг кучайишига сабаб бўлади. Шу билан бирга бу ойлик маош пастлиги сабабли мактабда эркак ўқитувчиларнинг камайишига олиб келмоқда, чунки ўқитувчининг маоши оиласини таъминлашга етмайди.

3. Тадқиқотда ўқитувчилар орасида иш ҳақининг ставка ва дарс соатлари асосида ҳисобланишини турлича тушунадиганлар борлиги маълум бўлди. Доимий ўзгариб турувчи, мураккаб ва шаффоф бўлмаган ставкаларни ҳисоблаш тизими, ставка бўйича тўловларнинг хар ҳил эканлиги тушунмовчиликларга, норозиликларга, тизимга ишончсизликка олиб келади. Шунинг учун ўқитувчилар қўшимча даромад манбаини топишга мажбур бўлади. Бу эса коррупция хавфи ва ноҳалоллик омиллари юзага келтириши мумкин.

ТАВСИЯЛАР:

1. Таълим сифатини ошириш ва мактабларга юқори малакали кадрларни жалб қилиш учун иш ҳақини сезиларли даражада ошириш таклиф этилмоқда, ўз навбатида бу, маҳаллий менталитетга кўра, тарбиявий компонентга ижобий таъсир кўрсата оладиган, юқори малакали эркак ўқитувчиларни ҳам жалб қилишга ёрдам беради.

2. Мактаб ўқитувчисининг жамиятдаги нуфузини оширувчи муҳим таркибий қисмлардан бири бу – унинг молиявий ҳолати ҳисобланади. Бу ҳолат мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақини иқтисодий ва ижтимоий воқеликлардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этади. Шу муносабат билан тизимда ишлашга юқори иштиёқни ва ўқитувчининг жамиятдаги юксак мавқеини таъминлаш мақсадида хорижий давлатлар тажрибасини инobatга олган ҳолда иш ҳақи ва ставкаларни шакллантириш бўйича инклюзив тадқиқот ўтказиш, шунингдек, берилган шарҳларга кўра, ҳозирги даражадаги маошларнинг камлиги, ўқитувчиларни яхши шароитда муносиб яшашлари учун, муқобил даромад манбаларини излашга мажбур қилмоқда, бу эса коррупция хавфи ва ноҳалолликка олиб келади.

3. Пул тўловларининг шаффофлиги ва аниқ талқин қилиниши учун ўқитувчиларнинг ставкаларини ҳисоблашни соддалаштириш ва барқарорлигини таъминлаш керак.

4.6 ТАЪЛИМ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ КАСБИЙ ЭТИКАСИ ВА НАҲАЛОЛЛИГИ

Мактабга қабул қилишда ходимларнинг касбий ҳалоллиги ва ота-оналарнинг этикага оид хатти-ҳаракатларни идрок қилиш учун уч тоифа респондентлар ўртасида ўтказилган тадқиқот таҳлиллари шуни кўрсатдики, мактабга ҳужжат топшириш жараёнлари, боласининг ўзлаштирувига жавобгар эканлиги ҳақида ота-оналар хабардорлигини ошириш зарур.

Ўқитувчилар ва мактаб ходимларининг касбий этика қоидалари, шунингдек, ўқитувчиларни ёки касбга хилоф хатти-ҳаракатга (айниқса босим ҳолида), ёки ота-оналардан ҳам маълум бир хатти-ҳаракатни талаб этади. Улар ўқитувчиларга босим ўтказмаслиги, касбий этикага зид ҳаракат қилишга мажбур қилмаслиги ёки назорат қилишнинг бошқа воситаларини ишга солмаслиги керак. Бунинг учун мулоқот ва иккала тарафдан этикага оид ва зид хатти-ҳаракат тўғрисида хабардор қилиш механизмлари зарур, буларни самарали қўлланиши ҳозирги пайтда кузатилмайди.

Мактаб низомида эълон қилинган ахлоқ кодекси, ўқитувчилар ва маъмуриятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалда татбиқ этилмайди, чунки улар этикага оид муаммоларни фундаментал таҳлил қилмасдан киритилади, ишда бу бўйича зарур тренинглари ўтказилмайди, ахлоқ ва ҳалоллик борасида институционал (юқори турувчи

ташкilotларнинг этикага оид хатти-ҳаракатлари мисолида) етакчилик, шунингдек, этикага зид хатти-ҳаракатни мониторинг қилиш, у ҳақида хабар бериш ва чора (жумладан, ижтимоий чоралар) кўриш механизмлари йўқ. Бундан ташқари, этика тушунчаси ота-оналарда бошқа ота-оналарнинг хатти-ҳаракатини ва тажрибасини кузатиш асосида шаклланади.

Айни пайтда 1-синфга қабул жараёнининг шаффофлигини ошириш ва ота-оналар ва мактаблар ўртасидаги юзма-юз мулоқотсиз болаларни мактабга қабул қилишга йўналтирилган ташаббуслар ҳамон ўта мураккаб ва шунинг учун ҳам самарасиз ва фойдаланувчилар орасида машҳур эмас. Масалан, ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, турли сабабларга кўри қўшимча квотадан фойдаланишни истаган ёки бунга мажбур бўлган ота-оналар ҳужжатларни мактабга шахсан тақдим этишни афзал кўради. Сўров натижаларига кўра, ота-оналарнинг 22 фоизи қабул ҳайъати билан келишган бўлар эди, 37 фоизи эса тўғридан-тўғри директор билан гаплашарди. Шундай қилиб, «контактсиз» қабулнинг шаффоф тизими йўқлиги 59% фоиз ота-оналар учун коррупцион ёки ноҳалол хатти-ҳаракатнинг рағбатлантирувчи омили бўлиб хизмат қилади, бунга мактаб ходимларининг худди шундай хатти-ҳаракати жавоб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ўқувчи ўринлари ва умумтаълим мактаблар сонини режалаштириш ва шакллантиришда, зарур жиҳозлар билан таъминлашда, мактабларни молиялаштириш (фаолияти ва педагоглар иш ҳақи)да, бюджетдан ташқари тўловлар, болаларни мактабга қабул қилиш, педагогларни тайёрлаш ва директорларни ловозимга тайинлашда


шаффофлик мавжуд эмас. Ваҳоланки, ушбу масалалар бўйича тизимли иш олиб борилмаяпти.

Санаб ўтилган муаммолар жамиятда мактаб тизими ҳақида салбий тасаввурга олиб келади, бу давлатнинг шу йўналишдаги сиёсий, ташкилий ва молиявий сайъи-ҳаракатларга ишончни ҳам сусайтиради.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАЖРИБАСИ

Мактабларда сўровнома ўтказиш босқичидаёқ респондентлар фикридан шу маълум бўлдики, ота-оналарда ўз фарзандларининг ўқишига масъулият билан қараш даражаси паст, уларнинг этикага зид ҳаракатларга йўл берувчи ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятига таъсирини жазоламаслик муаммо ҳисобланади, ўқитувчилар маоши камлиги ва малакали кадрлар етишмаслиги ҳам бундан мустасно эмас. Республиканинг 12 вилоятини ўзида қамраб олган сўровда қатнашган ўқитувчилар халқ таълими тизимидаги камчиликлар ҳақида гапирар экан, ота-оналарнинг фарзандларининг ўқиши ва хулқ-атвори учун масъулиятини ошириш зарурлиги, ота-оналарнинг ҳуқуқий саводхонлиги пастлиги, мактаб ва ота-оналар ўртасидаги ўзаро алоқалар сустлигини таъкидладилар. Барча ҳудудлар учун фоизлар қуйидаги диаграммада кўрсатилган:

ОТА-ОНАЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ МАКТАБ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ФИКРИ




6-чизма.

Шу билан бирга, ўқитувчилар жавоблари ота-оналар, маъмурият ёки юқори турувчи органларнинг босими муаммосини кўрсатди: Андижон - 20%, Наманган - 13%, Ташкент шаҳри - 10%, Қорақалпоғистон Республикаси – 1,6%.

Коррупцияни бартараф этиш зарурлиги тўғрисида Сурхондарёда – 23%, Қашқадарёда – 12%, Тошкентда – 7%, Қорақалпоғистон Республикасида – 4% ва Андижон вилоятида - 1,2% ўқитувчилар фикр билдирди.

ОТА-ОНАЛАР: ЎҚИТУВЧИ БОЛАГА ЯХШИ МУНОСАБАТДА БЎЛИШИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШ МУМКИН



7-график.

Ота-оналар изоҳи шуни кўрсатадики, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги яхши муносабатга яхши ўқиш, хулқ-атвор ва моддий-техника ёрдами кўрсатиш билан таъсир қилиш мумкин. Ота-оналарнинг 30 фоизи ўқитувчилар ҳеч нимага қарамай, ўқувчиларга тенг

муносабатда бўлишлари керак, деб ҳисоблашади. Сўровда қатнашган ота-оналарнинг қарийб 20 фоизи ўқитувчиларнинг ўқувчиларга бўлган муносабатига совғалар ва мукофотлар таъсир қилади, деб ҳисоблашади.


Тошкент шаҳридан билдирилган фикрларнинг 30 фоизга яқини шундай хулоса бердики, агар болани ота-оналар ва ўқитувчилар ўзаро ҳамкорликда тарбияласа, ўқишда ва хатти-ҳаракатларда муаммолар юзага келмайди. Фикрлар орасида шундайи ҳам бор: «Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга нисбатан табақалашган муносабати мавжуд: кимдир мактабни моддий қўллаб-қувватлайди, кимдир яхши ўқийди».

1,5 фоиз ота-оналар касбий этикага зид ҳаракатларни юқори ташкилотлардан бошлаш керак, деб ҳисоблайди. 2,6 фоизининг фикрича эса ўқитувчи ва директорларга халқ таълими бошқармалари ва мансабдор шахслар томонидан норасмий босим ўтказиш имкониятларини (шу

жумладан, бундай босимлар ҳақидаги шикоятларни самарали кўриб чиқиш тизими ёрдамида) бартараф этиш керак. Ота-оналарнинг 5 фоизга яқини ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятининг этик хатти-ҳаракатлари қоидаларини жорий қилишни ва қоидаларни бузган тақдирда жазо қўллаш кафолатини таклиф этмоқда.

Ота-оналар фикрича, улар умумий ўрта таълим тизимидаги бошқа бошқарув тузилмаларига қараганда мактаб маъмурияти қарорларига ҳаммадан кўпроқ таъсир ўтказишлари мумкин. Бу «Умумий ўрта таълим тизимидаги қуйидаги тузилмаларга ота-оналарнинг таъсирини беш балли шкала бўйича баҳоланг», деган саволнинг жавобида кўринади, 1- жуда суст таъсир, 5 эса – кучли таъсир, саволнинг таҳлилидан кўриш мумкин:

ОТА-ОНАЛАРНИНГ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ТИЗИМЛАРГА ТАЪСИРИ



8-чизма.

Суҳбатларда республика бўйича 9 фоиз директорлар ота-оналар томонидан босим бўлганлигини айтди (энг юқори кўрсаткич Фарғона - 14% ва Андижон - 13% вилоятларида). Директорларнинг 8 фоизи таълим

соҳасидаги юқори турувчи ташкилотлар ва давлат органлари томонидан босим тўғрисида фикр билдирди (энг юқори кўрсаткич Сурхондарё – 13,7%, Навоий ва Самарқанд вилоятларида – 12%гача). Агар биз ушбу маълумотларни

мамлакатдаги директорларнинг умумий сони бўйича ҳисобласак, тахминан ҳар ўнинчи директор ота-оналар томонидан


ва ҳар ўнинчи директор юқори идоралар, давлат секторидаги шахслар ва ташкилотлар томонидан босимга учрайди.

ТАХМИНАН 10 НАФАР ДИРЕКТОРДАН БИРИ ОТА-ОНАЛАР ВА 10 НАФАР ДИРЕКТОРДАН БИРИ ДАВЛАТ СЕКТОРИДАГИ ЮҚОРИ ТУРУВЧИ ОРГАН, ШАХС ВА ТАШКИЛОТЛАР БОСИМИГА ДУЧ КЕЛАДИ

9% ДИРЕКТОРЛАР ОТА-ОНАЛАР ТОМОНИДАН БОСИМ БЎЛГАНЛИГИНИ АЙТДИЛАР, ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАР:



8% ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЮҚОРИ ТУРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН БОСИМ ТЎҒРИСИДА ФИКР БИЛДИРДИЛАР, ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАР:



3-расм.

Интервьюларда директорлар ўзларининг қарорларига таъсир қилиш ёки босим ўтказиш ҳақида гапиришни истамади. Баъзи директорлар юқори турувчи ташкилотлардан ўзларининг ваколатига кирмайдиган ёки умуман таълимга алоқаси йўқ топшириқлар олгани ҳақида айтди. Ўқитувчиларни ҳокимликлар томонидан ўқитувчиларнинг бевосита педагогик вазифаларига кирмайдиган маданий тадбирларига жалб этиш ҳоллари кузатилади.

Изоҳларни келтирамиз:
«Директорнинг шахсий қарорларига ҳокимиятнинг юқори турувчи органлари таъсир ўтказди». «Қонун устунлиги йўқ деса бўлади». «Ўзбекистонда қариндош-уруғчиликни йўқ қилиб бўлмайди». «Мактаб директори виждонан ишласа, унинг қатъий қарорига ҳеч нарса таъсир қила олмайди». «Мен ўқувчиларни qabul.maktab онлайн навбат тизими орқали қабул қилдим, аммо синф

раҳбарини танлаш жараёнида ҳамон босим мавжуд». «Ота-оналарнинг хатти-ҳаракатлари учун чоралар кўрилмайди».

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ

Ўқиш сифатини ошириш учун, ўрта ҳисобда беш нафар сўралган ўқитувчилардан бири болаларни тарбиясида ота-оналар ва ўқитувчилар орасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Самарқанд (10%) ва Жиззах (2,7%) вилоятларидаги ота-оналар ўзларининг масъулиятини ошириш зарурлиги фикрини қўллаб-қувватлайди.

Касбий ахлоқни ошириш учун, ўрта ҳисобда 40 фоиз ота-оналар ўқитувчиларнинг касбий мақоми оширилиши керак, деб ҳисоблайди, ваҳоланки, 20 фоизи молиявий қўллаб-қувватлаш ва ўқитувчилар, мактаб

ходимларига бериладиган ижтимоий таъминот ўсиши билан касбий ҳалоллик яхшиланиши мумкин, деган фикрда. Яна 20 фоиз ота-оналар инфратузилма ва мактабларни жиҳозлар билан таъминлашнинг яхшиланиши мактаб ходимлари ҳалоллигининг ўсишига ёрдам бериши мумкин, деб ҳисоблайди.

Турли вилоятлардан келган баъзи мактаб директорлари қабул вақтида директорлар учун «Ишонч телефони» ташкил этиш таклифи билан чиқишди, бу ерда улар босим ҳақида хабар беришлари мумкин. Директорларнинг баъзи изоҳларида қуйидаги таклифлар бор:

- ✓ Мактабга босим ўтказиши ва таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташкилотлар сонини қисқартириш зарур. Директор ёки қабул ҳайъати қарорларига таъсир кўрсатган ҳаммага жазо чоралари кўрилиши керак.
- ✓ Таъсир ва босим кўрсатишни йўқ қилиб бўлмайди, лекин қонун тўлиқ амал қилса, кучли тарғибот йўли билан уни камайтириш мумкин.
- ✓ Нафақат мансабдор шахслар, балки барча ота-оналарнинг таъсирини пасайтириш учун мактабда кучли ўқитувчилар сонини ошириш зарур.
- ✓ Ҳар уч йилда директор ва унинг ўринбосарларини алмаштириб туриш зарур.
- ✓ Юқори турувчи поғоналар ўз мансаб ҳолатларидан фойдаланади. “Кўнғироқ” орқали таъсирни йўқотиш учун таълим

тизимининг мустақиллигини амалда таъминлаш зарур.

- ✓ Коррупция илдизи билан йўқ қилиниши зарур. Коррупцияга йўл қўйган ходим мактабнинг ишчи муҳитига путур етказиши муқаррар.

ХУЛОСАЛАР:

1. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўқитувчиларнинг тахминан 40-50 фоизи «касбий ҳалоллик» тушунчасини барча ўқувчиларга тенг ва холис муносабат сифатида қабул қилади, 20 фоизи эса ҳалолликни ўқитувчи зарур ўқув материаллари (дарсликлар ва ёки жиҳозлар) йўқлигига қарамай, имкон қадар жон куйдириб дарс беришида деб билади. Биргина Сурхондарё вилоятидаги ўқитувчиларнинг 24 фоизи ҳалолликни касбий масъулият, деб тушунади.

2. Ота-оналарнинг 30 фоизи ҳалоллик ўқитувчи ўз касбий вазифаларини тегишли материаллар ва ўқув қўлланмаларисиз энг яхши тарзда бажарганида намоён бўлади, деб ҳисоблайди. Ота-оналарнинг атиги 10-15 фоизи ҳалоллик касбий масъулият билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Бу ўқитувчилар учун касбий этика қоидаларига риоя қилиш учун зарур шарт-шароит яратилмаганлигини, ота-оналар ўз фарзандларининг дарсларни ўзлаштиришига ва тўғри юриш-туриши учун жавобгарлик нуқтаи назаридан ҳуқуқий саводхонлиги пастлигини, директорлар ҳам ўқитувчига, ҳам ўқувчига, ҳам ота-оналарга таъсир кўрсатишнинг аниқ ҳуқуқий механизмига эга эмаслигини кўрсатади.

3. Ўрнатилган ижтимоий меъёрлар ҳар уч томонда ҳам этикага зид хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ одатий хатти-ҳаракатларни қораламайди ёки очиқчасига эътироз билдирмайди. Ота-оналар, ўқитувчилар ёки директорлар аллақачон одатий бўлиб кўринадиган тажриба туфайли ўрнатилган тизим ва меъёрларга қарши чиқмайди. Шундай қилиб, ҳар уч тоифа ҳам фақат қонунчилик ёки мактаб низомига ахлоқ кодексини киритиш билан бартараф этиш қийин бўлган изчил амалиётлар орқали этикага зид хатти-ҳаракатларнинг нисбий қонунийлигини мустаҳкамлайди.

4. Ота-оналар мактаб маъмуриятига кўпроқ таъсир қилишига ишонишади. Шу муносабат билан, ота-оналар ўртасида этикага зид хатти-ҳаракатлар ҳолатларини минималлаштириш бўйича тизимга киритилган ҳар қандай янгилик ота-оналарнинг этикага зид хатти-ҳаракатларига жавобан нопрофессионал хатти-ҳаракатлар хавфига энг кўп дучор бўлган мактаб маъмурияти билан биргаликда ишлаб чиқиши керак. Мактабга қабул қилиш жараёнида ота-оналарнинг этикага зид ва коррупцион хатти-ҳаракатларининг энг кенг тарқалган ва жиддий турларини аниқлай оладиган мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда профилактика чораларини ишлаб чиқиш мумкин.

5. Ота-оналарнинг нооддий хатти-ҳаракатлари, уларнинг ташқаридан назорат қилиш ёки ота-оналар томонидан фаол рағбатлантириш шаклида, этикага зид хатти-ҳаракатларни (яхши баҳо эвазига ўқитувчига совға, яхши/яхшироқ баҳо олиш учун ўқитувчига таъсир қилиш, директорнинг бошқа/яхшироқ синфга ўтишига таъсир қилиш ва ҳоказо) одатий

амалиёт сифатида қабул қила бошлаган болалар хотирасида мустаҳкам ўрнашиб кетиши мумкин, бу эса ҳозирда ва келажакда ҳам коррупция хавфи ва ноҳалолликнинг олдини олишни анча қийинлаштиради. Бу ҳам ўқитувчилик касбининг нуфузини пасайтирувчи яна бир омилдир.

6. Мактаблар ота-оналарнинг ёрдамига молиявий қарамлиги ота-оналарнинг ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятининг қарорларига таъсир қилишига сабаб бўлади ва бу ҳар томонлама коррупцион ва этика қоидаларига зид хатти-ҳаракатларнинг омили ҳисобланади.

7. Мактабга қабул қилиш қарорига босим ёки таъсир кўрсатиш ҳақида гапирганда, директорларнинг аксарияти бундай таъсир рад этиш қийин бўлган илтимос эканлигини таъкидлади. Кўпгина директорлар таълим тизимига ва болани 1-синфга қабул қилишни тартибга солувчи процессуал қоидаларга ишончсизликни бартараф этувчи директорнинг мутлақ (юқори даражадаги ихтиёрийлик билан) қарорига юқори даражадаги ишончни таъкидлади. Ўз кучини, ва айни пайтда ўрни ва ижтимоий масъулиятини англаган ҳолда, директорлар камдан-кам ҳолларда болани мактабга қабул қилишдан бош тортишлари мумкин. Болани 1-синфга қабул қилишда таълим тизимига ишончсизлик ва директорнинг ваколатлари ва имкониятларига ишониш ота-оналар ва директорлар, баъзан эса қабул комиссияси аъзоларининг ахлоқий ва коррупциявий хатти-ҳаракатларини қўзғатувчи муҳим омил ҳисобланади.

ТАВСИЯЛАР

1. Электрон очик маълумотлар тизимидан фойдаланган ҳолда Халқ таълими вазирлиги, унинг соҳадаги таркибий бўлинмалари ва ҳар бир мактаб фаолиятининг (қабул қилиш, ўқитишни ташкил этиш жараёни, аттестация, ҳисобот бериш жараёни) очиклигини максимал даражада ошириш.

2. Кутилаётган ва «нормал» амалиёт сифатида давлат органлари томонидан коррупцион хатти-ҳаракатларнинг барча турларини рад этишга қаратилган ижтимоий нормаларни ўзгартириш чораларини қўллаш имкониятини кўриб чиқиш.

3. Тегишли қоидалар ва тартибларда мустаҳкамланган касбий ҳалоллик қадриятлари ва меъёрларини амалда қўллашни ўз ичига олган кенг қамровли ҳалоллик тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (Этика кодекси, ахлоқий меъёрларга риоя қилиш бўйича илғор тажрибалар ва бошқалар).

4. Ноҳалоллик режаси билан ҳар йили янгиланиб туриладиган жараённинг барча иштирокчилари (ХТВ, унинг бўлимлари ва мактаблар ичида) учун ноўрин ёки этикага зид хатти-ҳаракатлар ҳолатларини баҳолаш, мониторинг қилиш, ҳисобот бериш, ноҳалоллик хавфини ва олдини олиш механизмларини ишлаб чиқиш.

5. Этика етакчилари тарзида раҳбарият томонидан қўллабқувватлашни ва ҳалолликнинг барқарор амалиётини таъминлаш.

6. Умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий жамоатчилик ва отаоналарнинг кенг доираси, манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар иштирокида жамоатчилик экспертизасини ўтказиш; Ота-оналар, мансабдор шахслар ёки давлат сектори ташкилотларининг болаларни 1-синфга киритиш учун босим кўпинча мактабларда синфларнинг тўлиб кетишга олиб келади, айниқса, ота-оналар бу ҳолатни юқори сифатли таълим берадиган мактабларда кузатилади деб, ҳисоблайди.

7. Ота-оналар ўз ролларини, ўқув жараёни ахлоқи қоидаларини, мактаб ходимларининг касбий ахлоқини яхшироқ тушунишлари ва ота-оналарнинг тизимга бўлган ишончсизликни бартараф этиш мақсадида умумий ўрта таълимнинг барча бўлинмалари фаолиятида ота-оналарнинг кенг ва фаол иштирокини таъминловчи янги ахборот технологиялар имкониятларидан фойдаланиб ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишни принципиал янги платформада ташкил этиш.

5. УМУМЛАШТИРИЛГАН ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот натижалари ота-оналарнинг таълим муассасасининг географик ва маъмурий жойлашувидан қатъи назар мактабга қабул қилиш тартиби, жумладан, квоталар тизими, қўшимча квоталар учун қабул мезонлари ва қабул жараёнлари шаффоф эмаслиги, бошланғич синфларда тил танлашнинг аниқ мезонлари йўқлиги ҳақида етарлича хабардор эмаслиги барча тоифадаги респондентлар томонидан таъкидлангани кўрсатди.

Биринчи синфга қабул қилишнинг шаффоф бўлмаган жараёни ва ноаниқ мезонлари баъзи синф ва мактабларнинг тўлиб кетиши олиб келади. Бу ота-оналар болаларини яхшироқ педагог ёки тилга тушган мактабга беришга исташлари билан боғлиқ. 1-синфга қабул қилишнинг қатъий мезонлари йўқлигида ва қабул қилиш жараёнининг шаффофлиги таъминланмаган ҳолатда бундай синф ва мактаблардаги ўқувчилар сонини тартибга солиш анча мураккаб бўлади.

Қабул қилиш жараёнида мактаб директорлари, ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб, ота-оналар ёки юқори турувчи ташкилотлар босими остида зарур жиҳозлари ва техник хизмат кўрсатиш талаблари йўқ қўшимча синфлар очмоқда. Оқибатда, баъзи мактаб ва синфларда ўқувчилар камроқ олинганлиги кузатилади, баъзи синфлар эса тўлиб кетган ва уларда ҳамма ўқувчиларни қулайлик билан жойлаштириш учун жой етарли эмас. Бу ота-оналар ва директорлар орасидаги муносабатларда коррупция хавф-хатари омили ҳисобланади, чунки ота-оналар ўз талабини қондириш учун

мактаб директорининг қарорига таъсир ўтказишнинг норасмий йўлларида фойдаланиб болани шароити қулайроқ ёки таълим сифати юқорироқ синфга жойлаштириш ёки ўтказишга ҳаракат қилади.

Директорлар эса кўп ҳолларда директорларга ё босим ўтказишга ёки ўз илтимосларини мактабга бюджетдан ташқари моддий ёрдам таклифи билан «қўллаб-қувватлаш»га ҳаракат қилган қатъий ота-оналарнинг илтимосига йўқ дея олмайди, чунки директорлар, ўз навбатида, мактабда ҳамма ўқувчилар учун умуман, ҳар бир ўқувчига бўлгани каби, жумладан ота-оналар истакларига мувофиқ, оптимал ўқиш шараётини яратишдан манфаатдор.

Респондентларнинг мактабга қабул қилингандан сўнг болаларнинг психологик-педагогик этуклиги тўғрисидаги шарҳларини таҳлил қилиш натижалари болалар учун мажбурий ташкиллаштирилган мактабгача таълим ва ота-оналар учун асосий педагогик тайёргарлик, шунингдек, қўшимча квота бўйича болаларни қабул қиладиган мактаблар учун интервью ёки тестларни ташкил этиш зарурлигини кўрсатди. Шунингдек, мактабга топшириш учун ҳужжатларни тайёрлашда таълим муассасаларида болаларнинг манзилли тиббий кўриқдан ўтказилмагани саломатлик тўғрисидаги маълумотномаларни расмийлаштиришда коррупция хавфини юзага келтирмоқда. Мактабларга берилган сертификатлар болаларнинг руҳий саломатлиги ва мактабга психологик тайёргарлигининг ҳақиқий ҳолатини акс эттирмайди.

Умумтаълим муассасаларнинг фаолиятида шаффофлик, ажратилаётган бюджет маблағлари етишмаслиги мавзуида респондентлар жавобларининг таҳлили қуйидаги хулосалар чиқариш имконини беради:

- ✓ Мактабларнинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган маблағларнинг етарли даражада ажратилмаганлиги, бюджетдан ташқари маблағларнинг тўпланиши ва сарфланиши улардан ноҳақ фойдаланиш ва мактаб таълими тизими иштирокчиларининг ноҳалол хатти-ҳаракатлари учун хавф омиллари ҳисобланади.
- ✓ Мактабда мавжуд молия тизими етарли даражада шаффоф эмас. Унда директорлар, ўқитувчилар ва умуман солиқ тўловчиларнинг иштироки чекланган.
- ✓ Юқори даражада режалаштириш ва тақсимлашда мактабнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган молиявий ва моддий ресурсларнинг ҳақиқий таҳлилининг йўқлиги мактабни моддий ва молиявий таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради, бу мактаб эҳтиёжлари ва ўқув жараёни қондириш мақсадида ота-оналар, ўқитувчилар ва директорларни этикага зид ва номақбул хатти-ҳаракат қилишга мажбур этади.
- ✓ Мактабларнинг ота-оналар ёрдамига қарамлиги ота-оналарнинг мактаб ўқитувчилари ва маъмурияти қарорларига таъсир қилишига сабаб бўлади ва

барча тарафларнинг коррупцион ва этикага зид хатти-ҳаракатларининг омилидир.

- ✓ Мактабларда бюджетдан ташқари тўловлар аниқ коррупция хавфи эмас, балки мактабларнинг бюджетдан етарли даражада молиялаштирилмаганлиги ва ота-оналарга қонуний тартибга солинадиган молиявий ёрдам учун шаффоф платформанинг йўқлиги натижасидир.

Ўз навбатида, бюджетдан молиялаштиришнинг етишмаслиги инфратузилма ва жиҳозлар етишмаслигига олиб келади. Микроҳудудларни мактабларга бириктирилишида аҳоли ўсишининг ва турур жой мавзеларини қуришнинг аниқ прогнозли ҳисоб-китобларининг йўқлиги яшаш жойи бўйича ўқув ўринларнинг кескин етишмаслик муаммосига олиб келади.

Микроҳудудда аҳоли сонининг кўпайиши зарур мебел ва техник жиҳозларга эга бўлмаган қўшимча синф хоналарининг очилишига олиб келади, бу параллел синфларда шароитларнинг тенгсизлигини келтириб чиқаради ва мактаб маъмуриятининг ҳам, ота-оналарнинг ҳам ахлоқсиз хатти-ҳаракатларига сабаб бўлади.

Республикадаги мактабларнинг 70 фоизи икки ёки ундан ортиқ сменада ишлайди, бу эса ўқув жараёнини ташкил этиш учун мақбул ва оқилона шарт-шароитларни, аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини кафолатламайди.

Респондентларнинг уч тоифаси ҳам ўқитувчиларнинг иш ҳақидан рози эмасликларини билдиришган. Сўровда қатнашган ўқитувчиларнинг ярми қўшимча ишлашга мажбур, бу эса уларнинг асосий иш сифатига жиддий таъсир қилади. Ўқитувчиларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи паст иш ҳақи туфайли ўз ота-оналарининг норасмий моддий рағбатлантиришга рози бўлиб, бу ўқитувчилар ва ота-оналарнинг этикага зид хатти-ҳаракатлари учун жой яратади, кўпинча мактаб ходимларини бюджетдан ташқари ва норасмий тўловларни қабул қилишга ва қатнашишга ундайди. Тадқиқот ўқитувчилар ўртасида иш ҳақини ставка ва соатлар сони бўйича турлича тушунишга эга эканликларини кўрсатди. Доимий ўзгаришлар, ставкаларни ҳисоблашнинг мураккаб ва ноаниқ тизими, ставкаларни тўлашнинг турли шартлари норозилик, нотўғри тушуниш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни турлича талқин қилиш, тизимга ишончсизлик ва умуман олганда ўқитувчиларнинг паст маошларига олиб келади.

Одатда, ота-оналарнинг жавоблари ва шарҳлари шундан далолат берадики, тадқиқот қамраб олган мактабларда кучли ўқитувчилар борлиги туфайли аҳоли орасида талаб катта. Ваҳоланки, директорлар тажрибали малакали кадрлар етишмаслигини таъкидлайдилар ва ёш мутахассисларнинг мактабларда ишлаш учун иштиёқи пастлигидан шикоят қиладилар. Ушбу факт мактабга қабул қилишда коррупция хавф-хатари ҳисобланади, чунки ота-оналар маъмуриятни касб этикасини бузишга мажбур қилиб, болаларни қўшимча квотадан ортиқ, кўп

ҳолларда муайян ўқитувчи синфига қабул қилишга мажбур этадилар, бу юқорида тавсифланган синфлар ва мактабларнинг тўлиб кетиш факти тўғрисида далолат беради.

Мактабга қабул қилиш жараёнида ҳар қандай қатнашчиси (мактаб маъмурияти, ота-оналар ёки ўқитувчилар)нинг ахлоққа зид ва коррупцион хатти-ҳаракатнинг ҳар қандай намоёни қораланмайди ва белгиланган ижтимоий нормалар билан эътироз берилмайди, чунки бу «нормал» ва одатий ҳолат ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳар учала тоифа ҳам бундай этикага зид ва коррупцион хатти-ҳаракатларнинг қонунийлигини нисбий эканини қатъий таъкидлайди, бу эса коррупция ва ноҳалолилик хавфининг олдини олиш имкониятини камайтиради.

Ота-оналарнинг этикага зид хатти-ҳаракати болаларнинг хотирасида ўрнашиб қолиши мумкин, улар буни нормал амалиёт сифатида қабул қилади, бу эса келажакда коррупция ва ноҳалолик хатарларининг олдини олишни анча қийинлаштиради.

6. УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР

Тадқиқот мактаб ходимлари ва ота-оналарнинг касбий ҳалоллигини бузиш ва коррупциявий хатти-ҳаракатларга олиб келувчи хавф омилларини аниқлади. Бироқ бу хавф омиллари шахсий нафс оқибатида ёки натижасида вужудга келган эмас ва ўқитувчилар ёки директорларнинг ҳам шахсий бойитишни мақсад қилмаган. Аксинча, бу хавф омиллари ҳал қилиниши керак бўлган чуқурроқ таркибий ва тизимли муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади.

Илғор жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, очиқ маълумотлар тизимлари орқали шаффофликни ошириш учун замонавий электрон технологиялардан фойдаланиш кўплаб хавф омилларини минималлаштириши мумкин. Қуйидаги асосий тавсиялар айнан шу мақсадга қаратилган:

- ✓ Халқ таълими ва мактабгача таълим секторининг барча муассасаларини қамраб оладиган, ота-оналар мактабга боришлари шарт бўлмайдиган онлайн қабул имконини яратадиган асосий ва қўшимча квоталар бўйича бўш ўринлар мавжудлиги тўғрисида **очиқ маълумотлар ягона платформасини** ишлаб чиқиш (Арманистоннинг Таълимни бошқариш ягона ахборот тизимига ўхшаш). Платформа ўқувчиларни қабул қилиш, жойлар мавжудлиги, мактабдан мактабга кўчириш, ўқишдан четлаштириш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига рўйхатга олиш ва ҳоказолар бўйича талаблар

ва маълумотларни тақдим этиш орқали коррупция хавфини камайтиришни таъминлайди.

- ✓ Ажратилган **ресурсларнинг шаффофлиги**, етарлилиги ва тақсимланишини таъминлайдиган **молиялаштириш тизимини ишлаб чиқиш**, молиялаштиришни режалаштириш ва амалга оширишда мактаб маъмурияти ва ота-оналарнинг тўлиқ иштирокини таъминлаш. Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ота-оналардан ёрдам (моддий, молиявий ва хизмат кўрсатиш шаклида) кўрсатилишини қонунийлаштириш ҳамда уларни олиш, тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича халқ таълими тизимининг барча даражалари ва барча муассасалари томонидан молиявий шаффоф платформа яратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
- ✓ Келажакда барпо этиладиган мактабларда етарли миқдорда ўқувчилар ўринларини таъминлайдиган, ҳудудий жиҳатдан қулай ва аҳолининг демографик ўсишини ҳисобга олган ҳолда бинолар қурилишини режалаштириш ва жойлаштиришнинг **шаффофлигини жамоатчилик ва жамоатчилик назорати** билан мажбурий келишилишини таъминлаш;
- ✓ **Ўқитувчиларни** ўз мутахассислиги бўйича ишга бўлган **қизиқишини ошириш**, шунингдек,

нопрофессионал хатти-ҳаракатлар хавфини камайтириш учун иш ҳақини ошириш, ўқитувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, синфлар тўлишини бартараф этиш, шунингдек, ўқитувчилик лавозимларига тайинлашда рақобатбардош муҳитни таъминлаш тавсия этилади. Педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича муваффақиятли хорижий моделлар, ёндашувлар ва модулларни ўрганиш педагоглар меҳнати учун қулай шарт-шароит яратишга ёрдам бериши мумкин эди.

✓ Ўқитувчи ставкаларини ҳисоблашнинг барқарорлиги ва аниқлигини таъминлаш ва содалаштириш, мактаб ходимлари учун нақд пул тўловларини шакллантириш ва ҳисоблаш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда **иш ҳақи миқдорини ва ставкаларни шакллантириш бўйича инклюзив тадқиқот** ўтказиш.

✓ Тегишли қоидалар ва тартибларда мустаҳкамланган касбий ҳалоллик қадриятлари ва меъёрларини амалда қўллашни, раҳбарият томонидан этикага мос етакчилик кўринишида ҳалолликни қўллаб-қувватлаш ва барқарор амалиётини таъминлашни **ўз ичига олган кенг қамровли ҳалоллик тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш**;

✓ Ўқувчиларнинг **ота-оналари билан ишлашини** ҳозирги коммуникацион платформалар ва ижтимоий тармоқларнинг оммапоблиги ва улардан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш асосида ота-оналарнинг ўз ролини, ўқув жараёни этикасини, мактаб ходимлари этика қоидалари ва санкциялар тизимини тузатиш мақсадида яхшироқ тушунишлари, этикага зид хатти-ҳаракатнинг олдини олиш ва уни профилактика қилиш ва жараённинг барча қатнашчилари (ХТВ, унинг бўлимлари, мактаблар ва ота-оналар) томонидан тизмига бўлган ишончсизликни бартараф этиш учун ота-оналарнинг умумий ўрта таълим тизимининг барча бўлинмалари фаолиятида фаол қатнашувини таъминлайдиган тубдан янги платформада **ташкил қилиш**.

Коррупциявий хавфларини баҳолаш методикаси Коррупцияга қарши миллий кенгаш ва Халқ таълими вазирлигига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Бундай мустақил ижтимоий тадқиқотлар механизми бошқа соҳаларда маҳаллий даражада қарор қабул қиладиган шахслар, шунингдек халқаро донорлар ва тадқиқот ҳамжамияти томонидан хавфларни ўрганиш учун ҳам фойдали бўлади.

7. ХУЛОСА

Коррупцияга қарши курашиш лабораторияси Ўзбекистон учун коррупцияга қарши курашнинг янги йўналишига айланди. Ушбу экспертлик платформаси статистик маълумотлар, медиа-контент, илмий материаллар, қонунчилик, мамлакат бўйлаб мақсадли гуруҳлар ўртасида ўтказилган сўровлар ва халқаро тажрибани таҳлил қилишнинг турли усулларида фойдаланган ҳолда коррупция хавфи омилларини ўрганиш имконини беради.

Илк, экспериментал босқич болаларни бошланғич мактабга қабул қилишда коррупция хавфини ўрганишни ўз ичига олган. Савол-жавоб ва суҳбатлар республиканинг барча ҳудудларини қамраб олди. Тадқиқот аввалдан ишлаб чиқилган методология бўйича халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро экспертлар ва тадқиқотчилар кўмагида олиб борилди.

Олинган маълумотларнинг аҳамияти шундаки, аноним сўровларда мактабга қабул жараёнида дуч келинаётган коррупцияга оид эътирозлар ва халқ орасидаги тасдиқланмаган маълумотлар ҳам ўз исботини топди. Асосий ва қўшимча қабул квоталарида болалар учун тенг имкониятларнинг йўқлиги, бюджетдан маблағ, инфратузилма ва таъминот етишмаслиги сабабли мактаб директорларининг ота-оналар ёрдамига муҳтожлиги, ота-оналар ва юқори ташкилотларнинг мактаб ўқувчиларини яхши мактабга ўқишга қабул қилишни ташкил этишда тазйиқлари ва халқ таълими тизимидаги бошқа муаммолар шулар жумласидандир.

2021 йил декабр ойида “Юксалиш” УМХда масъул вазирлик ва идоралар, таълим ва коррупцияга қарши курашиш соҳаси мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида ўтказилган сўровлар натижаларининг жамоатчилик муҳокамаси бўлиб ўтди. Хусусан, Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Рустам Каримжонов сўровда кўтарилган муаммолар ва ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан келгуси 5 йилга мўлжалланган Халқ таълимини ривожлантириш миллий дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилишини алоҳида таъкидлади. Муҳокама долзарблиги оммавий ахборот воситаларида ўз аксини топди – жами 24 та манба тадқиқот ҳақидаги янгиликларни уч тилда – ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этди.

Жамоатчилик муҳокамаси яқунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар, жумладан, қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, амалиёт ва тартибларни, тадқиқот методологиясини такомиллаштиришга оид таклифлар Халқ таълими вазирлигига ва Ўзбекистон Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига, шунингдек, Президент Администрациясига кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 28 январь куни халқ таълимини ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари соҳага оид қатор муаммолар ва долзарб масалаларни айтиб ўтар экан, уларнинг айримлари Коррупцияга қарши курашиш лабораторияси томонидан ўтказилган тадқиқотлар жараёнида аниқланганлигини қайд этди. Жумладан:

- ✓ янги турар-жой массивларини қуриш, қишлоқ инфратузилмасини кенгайтириш ва аҳоли сонининг кўпайиши ҳисобига қўшимча мактаблар қуриш;
- ✓ амалдаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш;
- ✓ педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
- ✓ мактабларда ортиқча ҳисобот бериш ва бюрократияни камайтириш.

Президент Шавкат Мирзиёев халқ таълими соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича ҳам асосий вазифаларни белгилаб берди, уларнинг баъзилари лойиҳа экспертлари томонидан ишлаб чиқилган тавсиялардан келиб чиқади. Хусусан:

- халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенгашларни ташкил этиш, мазкур кенгаш ўқитувчилар, ота-оналар ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари асосида иш олиб боради;

- ✓ янги мактабларда ва мавжуд мактабларда қўшимча бинолар қуриш ҳисобига кейинги беш йил ичида 1,2 миллион ўқувчи ўрни ташкил этилади;

- ✓ ижтимоий фаоллар, ота-оналар ва жамоатчилик назорати остида янги мактаблар қуриш ва фойдаланишга топширилади;
- ✓ малакали менежерлар орасидан мактаб директорлари тайинланади;
- ✓ илғор педагогик технологияларни қўллаётган, ўқувчилари юқори натижаларга эришаётган ўқитувчиларни рағбатлантириш мақсадида Халқ таълими вазири жамғармаси ташкил этилади;
- ✓ ўқитувчилар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилади. Педагогика ОТМлари талабалари 1-курсдан бошлаб мактабларда амалиёт ўтайди;
- ✓ ўқув юкламаси қайта кўриб чиқилади ва дарсликлар илғор тажриба асосида янгиланади.

Шунингдек, давлат раҳбарининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги қарори билан 141 мингта янги талабалар ўрни ташкил этиш, 2026 йил охиригача уларнинг сонини 6,4 миллионга етказиш белгилаб қўйилди. Беш йил давомида 605 миллиард сўм мактаб дарсликларини янгилаш дастурини амалга ошириш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Шунингдек, мактабларда педагог кадрлар малакасини баҳолашнинг адолатли ва шаффоф тизимини жорий этиш, уларнинг иш ҳақини дифференциаллашган усулда ошириш кўзда тутилган.

8. ҚЎЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 4 январдаги 2-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 7 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
6. World Bank Open Data, United Nations Department of Economic and Social Affairs Population Division 2017, OECD, очиқ манба маълумотлари, ишчи гуруҳ таҳлили
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони лойиҳасига ЭХҲТ ДИИХБнинг фавқулодда изоҳлари.
8. 2020/2021 ўқув йили учун ХТВнинг асосий кўрсаткичлари. Статистик маълумотларни тўплаш.
9. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712 сон қарори.
11. «Ўрта таълим тизимидаги коррупция хатарлари. Мактабларда норасмий тўловлар». Акматайнова А., Асамбаева А., Шаршенбаев А. – Б.: 2014 й. 63 б. ISBN 978-9967-31-159-6
12. «Барча учун таълим бўйича мақсадларга эришишни оралиқ баҳолаш бўйича Миллий маъруза» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари. Тошкент 2007. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори Ахлидинов Р.Ш умумий таҳрири остида.

9. ИЛОВАЛАР

1-ИЛОВА. Сўровнома учун ҳудудлар ва респондентлар сонини танлаш

Танлов жадвали Республика бўйича сўров учун педагоглар ва ота-оналар сони

№	Минтақалар	Мақтаблар умумий сони	Сўров учун мақтаблар, педагоглар ва ота-оналар сони												
			Жами	Вилоят маркази	Педагоглар	Ота-оналар	Шаҳар	Педагоглар	Ота-оналар	Туман маркази	Педагоглар	Ота-оналар	Қишлоқ	Педагоглар	Ота-оналар
1	Қорақалпоғистон Республикаси	727	8	2	30	60	2	30	60	2	30	60	2	30	60
2	Андижон вилояти	764	8	2	30	60	2	30	60	2	30	60	2	30	60
3	Бухоро вилояти	536	6	1	15	30	1	15	30	2	30	60	2	30	60
4	Жиззах вилояти	550	6	1	15	30	1	15	30	2	30	60	2	30	60
5	Қарқадарё вилояти	1157	10	2	30	60	2	30	60	3	45	90	3	45	90
6	Навоий вилояти	365	6	1	15	30	1	15	30	2	30	60	2	30	60
7	Наманган вилояти	711	8	2	30	60	2	30	60	2	30	60	2	30	60
8	Самарқанд вилояти	1255	10	2	30	60	2	30	60	3	45	90	3	45	90
9	Сурхондарё вилояти	927	10	2	30	60	2	30	60	3	45	90	3	45	90
10	Сирдарё вилояти	313	6	1	15	30	1	15	30	2	30	60	2	30	60
11	Тошкент вилояти	891	10	2	30	60	2	30	60	3	45	90	3	45	90
12	Фарғона вилояти	948	10	2	30	60	2	30	60	3	45	90	3	45	90
13	Хоразм вилояти	546	6	1	15	30	1	15	30	2	30	60	2	30	60
14	Тошкент шаҳри	312	10				10	150	300						
Жами		10002	114	21	315	630	31	475	930	31	475	930	31	475	930

2-ИЛОВА. Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги қошидаги Ягона
очиқ маълумотлар платформасини
яратиш учун тавсия этилаётган мисол

ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШНИНГ ЯГОНА
АХБОРОТ ТИЗИМИ ¹⁶

Лойиҳани бошлаш ва яқунлаш вақти:
2018 йил ноябрь – 2020 йил август.

Етакчи ижрочи агентлик: Арманистон
таълим ва фан вазирлиги

¹⁶ <https://www.opengovpartnership.org/members/armenia/commitments/AM0042/>

ВАЗИФА

Бир ўқувчини таълимнинг турли даражаларида кўп марта рўйхатдан ўтишни бартараф этиш, бир таълим муассасасидан бошқасига (жумладан таълимнинг турли даражаларида) ўтишни назорат остига олиш, болаларни рўйхатга киритиш, қабул қилиш ва таълим муассасаларига ўтказиш механизмларини аниқлаш, таълимда шаффофликни таъминлаш, маъмурият ресурсларини қисқартириш, ахборот оқимларини оптималлаштириш.

АСОСИЙ МАҚСАД

Ягона электрон бошқарув орқали – ахборот тўлиқлигини таъминлаш, ишончилигини ошириш, жамоатчилик олдида ҳисобдорлик, иш самараси, мажбурий таълимдан ва ўқув дастуридан четлаштириш хавфини эрта аниқлаш ва мутахассисларга йўналтириш, Ўз вазифаларини бажармаганликлари, ҳаракатсизлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, исталган доирада ҳуқуқбузарлик амалга ошириш ҳолларида тегишли органларга мурожаат этадиган манфаатдорлар - ота-оналар учун мурожаат қилиш механизмларини яратиш.

ҚИСҚАЧА ТАВСИФ:

Таълимни бошқариш учун ягона ахборот тизимини (ўқувчиларни рўйхатга олиш, уларни бир таълим муассасасидан бошқа таълим муассасасига ўтказиш, рўйхатга олиш тўғрисида маълумот беради) ишлаб чиқиш, ташкил этиш ва бўйсунуш шаклидан қатъи назар, барча таълим муассасаларини, шу жумладан мактабгача таълим муассасаларини қамраб олиш.

Тизим ташкилот фаолияти, ҳисоботларни кўриш имконияти, бўш жойлар мавжудлиги, давомат, ўқувчиларни кўчириш, ўқишдан четлаштириш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига рўйхатга олиш ва бошқа масалалар бўйича кўп босқичли ва кенг қамровли маълумотлар, шунингдек, ота-оналар учун фикр-мулоҳазалар билан таъминлайди. Фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириш, юзага келган муаммоларни ҳал этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Шунингдек, тизим таълим билан қамраб олинмаган болаларни аниқлаш ва жалб қилиш жараёнини тартибга солишга ёрдам беради.

Тизимнинг фаолияти ҳар бир боланинг таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишни таъминлайди, мактаб ўқувчиларини рўйхатга олиш жараёнини тартибга солади, ҳудудий бошқарув ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, таълимга болаларни тўлиқ жалб қилиш учун барча масъул муассасалар ва томонларнинг вазифаларини белгилаб беради.

ТИЗИМНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

- ✓ Болалар давомади, ўринлар мавжудлиги, ўқувчиларни ўтказиш, рўйхатдан чиқариш, болаларни мактабгача муассасаларда рўйхатга олиш ва бошқа масалалар тўғрисида ахборотни олиш ҳисобига коррупция хатарларини пасайтириш

- ✓ Қайта ахборот ва ота-оналарнинг таълим масалалари бўйича шарҳ ва шикоятларини кузатиш имконини бериш
- ✓ Инновацияларни жорий этиш
- ✓ Шаффофлик, ҳисобдорлик, қатнашув, технология ва инновацияларни таъминлаш

Зилова Коррупция хатарларининг энг асосий омиллари билан бир қаторда тадқиқотда респондентлар кўтарган ва энг кўп фоиз шарҳ берилган бошқа долзарб масалалар ҳам аниқланди. Булар орасида мактабгача таълим, олий таълим, таълим сифатини ошириш ва болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши бўйича истаклар.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Мактабгача таълим боланинг бошланғич мактабдаги муваффақиятининг асосий омилдир. У боланинг жамоа бўлиб ишлаш шароитига мослашувини тезлаштиришга ёрдам беради, ўқишнинг бирламчи кўникмаларини ўзлаштиришга кўмаклашади, боланинг иштиёқини мустаҳкамлайди. Бошланғич синфларда ўқиш учун қулай муҳит яратилади.

Тадқиқот маълумотларининг таҳлили мактабгача таълим ва тарбиянинг ота-оналар, ўқитувчилар ва директорлар учун долзарблигини кўрсатди.

Очиқ саволларга жавоб берар эканлар, Фарғона (38%), Андижон (37%), Хоразм (36%), Жиззах (24%), Қашқадарё (12%), Навоий (11%), Наманган (9,3%) вилоятлари, Ташкент шаҳри (8%), Тошкент вилояти (5%) ва Қорақалпоғистон Республикаси (5%) ўқитувчилари тўлақонли мактабгача таълим ва тарбиянинг зарурлиги таъкидлади.

Фарғона вилоятида сўровда қатнашган ота-оналарнинг 9 фоизи мактабгача таълим болаларни мактабга

тайёрлашда асосий омил сифатида муҳимлигини кўрсатди.

Самарқанд вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси директорлари мактабгача таълим гуруҳлари эрта ёшдан, масалан, 5 ёшдан ташкил этилса яхши бўлади, деб ҳисоблашмоқда.

БАЪЗИ ИЗОҲЛАР:

Бошланғич таълимни комплекс ривожлантириш учун мактабгача таълим муассасаларини самарали ривожлантириш зарур.

Умумий ва мактабгача таълим муассасаларининг ўзаро таъсири масалаларини қайта кўриб чиқиш.

Такрорланишни бартараф қилиш ва изчилликни таъминлаш мақсадида мактабгача таълим муассасалари катта гуруҳлари ва мактабнинг бошланғич синфларида тайёрлаш дастурларини аниқлаш.

ТЎГАРАКЛАР ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

Респондентлар сўровномаларининг таҳлили ривожантирадиган ва спорт тўғараклари, олинган билимни мустаҳкамлаш ва назария ва амалиётнинг қўшимча манбаи сифатида тил ва қизиқиши ва фанлар бўйича факультатив машғулотларга талаб борлигини кўрсатди.

Андижон (7,1%), Навоий (11%), Фарғона (3%), Хоразм (7%) Наманган (2%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги (7%) ота-оналар изоҳлари ушбу масалаларнинг долзарблигини кўрсатди.

Жиззах вилоятидаги директор мактабда қўшимча машғулотларни қонунийлаштириш зарурлигини таъкидлайди, Сирдарё вилоятидаги директор фан тўғаракларидаги қўшимча машғулотларни 2-сменада ўтказишни таклиф қилади.

Ота-оналар изоҳлари халқ таълими органлари жойларда тўғарак ва клуб ишини ташкил этиш борасида ишлар етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Мактаб харажатлар сметасида тўғарак ишлари учун ўқувчилар сонидан келиб чиқиб иш ҳақи тўланадиган 0,5, 1, 1,5 ставка ажратилган, бу эса ушбу йўналишда тўлақонли ишни қопламайди.

Умумий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган “Баркамол авлод” мактаблари республиканинг ҳамма мактабларини ҳам тўғарак, кадрлар ва йўналишлар билан қамраб олмайди.

1,5 мингдан ортиқ мактабда спорт заллари йўқлиги ўқувчилар билан спорт соғломлаштирув ишни ташкил этишга жиддий тўсиқ бўлиб турибди. Давлатнинг оммавий спортни ривожлантириш сари олган йўли бошланғич поғонаси сифатида таълим муассасаларида спорт клуб ва секцияларни яратиш ва сонини кўпайтиришни талаб қилади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Ушбу тадқиқотда қатнашган барча тоифа респондентлар олий таълимни, жумладан олий таълим муассасаларига кириш имкониятини, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни иширокчилари орасидаги муносабатларни тадқиқ қилиш зарурлигини таъкидладилар. Қатнашчилар олий таълим тизимида, айниқса ОТМ қабул қилиш масалаларида шаффофлик етарли эмас, деб ҳисоблайдилар.

Деярли 700 нафар ота-она, 346 нафар ўқитувчи ва 20 нафар директорлар олий таълим тизимидаги коррупция хавфларини ўрганишни таклиф қилди.

Тошкентдаги ота-оналардан баъзилари педагогика ОТМнинг битирувчилари мутахассисликлари бўйича ишлашни истамасликлари сабабларини ўрганишни таклиф қилдилар, шунингдек, бўлажак ўқитувчилар учун амалий машғулотлар сонини кўпайтириш ва ОТМларда ўқитиш сифатини ошириш лозим, деб ҳисоблайди.

Мактаб директорлари нотўғри режалаштириш туфайли ўқитиш тили рус ва бошқа тиллар бўлган мактабларда, айниқса республиканинг узоқ ерларида малакали педагог кадрлар етишмаслигини, шунингдек педагогика ОТМ битирувчиларининг тайёрланиш даражаси пастлигини (изоҳларнинг 6%) таъкидлади.

Малакали педагог кадрлар етишмаслиги ва мутахассислик бўйича ишлашга иштиёқни ошириш масаласини ҳал қилиш сифатида баъзи директорлар олий таълим билим юртлари билан биргаликда ихтисослаштирилган педагогика синфларни ташкил қилишни, шунингдек, бўлажак ўқитувчилар сифатида юборилган ўқувчиларни ОТМларда текин ўқиш учун квоталар ажратишни таклиф қилмоқда. Шунингдек, директорлар педагогика институтларига ишга қабул қилишнинг шаффофлигини таъминлаш, олий ўқув юртларида ўқитиш методикасини тубдан яхшилашни таклиф қилмоқда.

